БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил
7 август
Сешанба
№ 147 (13.583).
Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •

СССР Вазирлар Кенгашида

Ҳосилни ўриб-йиғиб олайлик ва сақлайлик

3 август куни СССР Вазирлар Кенгаши шу йилги ҳосилни ўриб — йиғиб олишнинг кечиктириб бўлмайдиган масалалари юзасидан бир қанча қарорлар қабул қилди.

ТАЛАБАЛАР ВА ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ 1990 ЙИЛ ҲОСИЛИНИ ЙИҒИШТИРИБ ОЛИШДАГИ ИШТИРОКИ ТЎҒРИСИДА

1990 йилда дон экинлари, картошка, сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан етиштирилган мўл ҳосилни йиғиштириб олишда амалий ёрдам кўрсатиш, уларнинг нобуд бўлишига йўл қўймаслик ва аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш зарурлиги муносабати билан СССР Вазирлар Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Олий ўқув юртлари талабаларининг, ўрта махсус ўқув юртлари ҳамда ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг ўрим — йиғим ишларида фаолроқ қатнашишини таъминлаш мақсадга мувофиқ деб топилсин.

Иттифоқдош жумҳуриятларнинг ҳукуматлари, СССР Халқ таълими Давлат қўмитаси, ўзларига қарашли ўқув юртлари бўлган вазирликлар ва идоралар олий ўқув юртлари талабалари (ўқишни битираётганлардан ташқари)ни ва ўрта махсус ўқув юртлари юқори курсларининг ўқувчилари (ўқишни битираётганлардан ташқари)ни, шунингдек ҳунар-техника билим юртларида таълим олаётган ўқувчиларни ўқишдан бўш вақтида қишлоқ хўжалик ишларига бир ойдан кўп бўлмаган муддатга жалб этсинлар.

2. Олий ўқув юртларининг ректорлари, ўрта махсус ўқув юртлари ва ҳунар-техника билим юртларининг директорларига ўқув йили бошланишини бир ойдан кўп бўлмаган муддатга кечиктириш учун рухсат берилсин.

3. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг раҳбарлари талабалар ва ўқувчиларни уюшган ҳолда кутиб олишни таъминлашга уларни бехатар ташишни, умумий овқатланишни, маданий — маиший ва тиббий хизматни зарур даражада ташкил этишни, шунингдек, юксак унум билан ишлаш ҳамда унинг натижаларидан моддий манфаатдорлик бўлиши учун шароит яратишга доир зарур тадбирларни кўрсинлар.

Ҳосилни йиғиштириб олишда вужудга келган вазиятни назарда тутиб, 1990 йил ўрим — йиғим ишларида банд бўлган талабалар ҳамда ўқувчилар ўзлари ишлаб топган пулдан даромад солиғи тўлашдан озод қилинсинлар.

СССР Вазирлар Кенгаши мамлакатимиздаги барча талабалар ва ўқувчи ёшларга мурожаат этиб, уларни мазкур қарорга тушуниб муносабатда бўлишга чақиради. СССР ҳукумати талабалар ва ўқувчилар ҳосилни йиғиштириб олишни таъминлашда аниқ ёрдам беришлари мумкинлигига ва бу билан аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни ҳамда талабаларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшилашга ўз ҳиссаларини қўшишларига умид қилади.



Бугунги кунда дўконлардаги буюмлар танқислигини қандай қилиб бартараф этиш мумкин? Юз бераётган иқтисодий инқироздан чиқишнинг йўллари нималардан иборат? Шу каби жумбоқларга Тошкентдаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси шундай демоқда: «Ҳар бир киши ўз жойида масъулиятни — ҳис қилган ҳолда юқори унум билан меҳнат қилмоғи даркор!» Айни кунда корхонанинг биргина тажриба цехида 300 дан зиёд янги нусхалар ишлаб чиқилган. Уларни тезлик билан туркум равишда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш трикотажчиларнинг бирдан-бир мақсадидир. СУРАТДА: корхонанинг илғор тикувчиси Қундуз Исмоилова.

Е. БОТИРОВ олган сурат.

ҲОЗИР КОМСОМОЛДАГИЛАР АМАЛПАРАСТ ЭМАСЛАР

Анъанага кўра ҳар бир сиёсий арбоб янги лавозимга ўтганлигининг юз кунлигини нишонлайди. Яқинда ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг биринчи котиби Владимир ЗЮКИН ҳам ана шу «сана»ни нишонлади.

Янги лавозимда уч ой — у қадар катта муддат эмас. Аммо у ўзи учун мазкур курсида ўтириш вақтини қарийб бир ярим йил қилиб белгилаганини ҳисобга оладиган бўлсак юз кун ҳам муддат. У нимадир қилишга улгурди. Гарчи ВЛКСМ XXI съездини комсомолдаги иккинчи шахс сифатида бошлаган бўлса ҳам анжуман қатнашчиларининг каттагина қисмини ўз томонига оғдиришга эришди. Янги Устав қабул қилинди, унинг кўпгина пунктлари тўғрисида биринчи марта деган иборани ишлатиш мумкин. ВЛКСМ МҚси биринчи марта юрак ютиб КПСС XXVIII съездига ўз дастури билан чиқди, Зюкиннинг нутқи эса аксарият фирқавий аппаратчи — делегатларга ёқмагани аниқ. Бироқ бу ҳақда алоҳида тўхталамиз.

— Володя, хонанг деворидаги кимларнингдир суратлари ўрни бўш турибди...

— Олдинги хонамда иккита сурат бор эди, орқамдаги деворга илиб қўйилганди. Бу ерда эса хонага киришим билан ўзимни қўйишга жой тополмайман, қаёққа қарамай ҳаммалари менга тикилиб турибади.

— Фақат Ленин қолибди... Сени койишмаяптими?

— Ҳозирча йўқ. Ахир бу суратхона эмас иш хонаси-ку.

— Ўзингни қандай ҳис этаяпсан: кейинги пайтда «сўллашдингми» ёки «ўнглашдинг»?

— Бизда умумий ҳаракат сўлга қараб кетмоқда. Фақат олға қадам босолмайдиганларгина бундан мустасно. Ҳатто нисбатан ёш бўлган одамлар орасида ҳам ўзини енголмайдиганлар бор. Ҳаёт олға кетмоқда, улар эса кетидан улгуришмаяпти. Орқада қола бошлашгач эса тўхтатишга интилишади. Интилишганда ҳам жуда фаол ҳаракат қилишади.

— Янглишмасам агар «Известия» Зюкиннинг фирқа съездидаги нутқи ўз руҳига кўра Ельциннинг нутқига яқин эди, деб ёзди. Бу ўхшатишга нима дейсан?

— Фикримча бу ерда мазмунга қараб эмас, балки залдагиларнинг қандай қабул қилишларига кўра баҳо берилган. Негаки, биз бошқа-бошқа нарсалар тўғрисида гапиргандик. Борис Николаевичда вазиятга файласуфона — ишбилармонлик билан қараш бор эди. Мен эса ҳозирги фирқа руҳияти, бизнинг назаримизда унда нимани ўзгартириш масаласи хусусида тўхталгандим. Журналист эса нутқимдаги охирги: фирқа ўз ҳаракатини тезлаштирмаса, қайта қуриш усиз давом этиши мумкин, деган жумламдан хулоса чиқарган.

— Умуман Ельцинга бўлган муносабатинг қандай?

— Мен уни йирик сиёсий шахс деб, биламан. Унинг Россия Олий Шўросидаги дастлабки қадамлари умидбахш. Ўзидан ҳозир нима кутаётганларини, нимани исташларини сезиш қобилияти борлигини кўрсатди. Энг асосийси шу пайтгача фойдаланилмаётган куч — оппозициячиларни ҳам ўз томонига оғдира олди. Ишни қандай бошлаганига эътибор беринг — икки вазир 32 ёшда! Ҳокимиятнинг ижроия органларида ёшлар структураси пайдо бўлишичи! Яъни Ельцин янгича иш услуби билан янги кучларни тортмоқда. Бу жуда яхши. Россия парламентининг кўпгина қарорлари марказни иттифоқ шартномалари тайёрлаш ва ваколатини чеклаш масалаларини ҳал этишга шоширмоқда.

Умуман олганда Горбачев ва Ельцин ўртасидаги муносабатлар одамларга хос бўлишини истардим. Ҳар бирининг ортида ҳам жуда катта кучлар турибди. Агарда бу кучлар қарама-қарши бўлмай, ҳамкорлик қилса олдинга силжишимиз анча тезлашарди.

— Сени биринчи этиб сайлашгач МҚ аппарати ишида, Марказий Қўмитанинг ўзида қандай ўзгариш бўлди?

— МҚ янги принципда шаклланган, съезд унинг вазифаларини белгилаб берди. Комиссиялардан ташқари МҚ ишини фаоллаштиришга кўмаклашувчи яна учта кенгаш тузилган. Ишловчи ёшлар, ўқувчи ва талаба ёшлар, ҳарбий хизматчи бўлган ёшлар кенгашлари. Ҳар уччала қатламнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш юзасидан таклифлар тайёрланмоқда. Уларни парламентга, ҳукуматга киритамиз.

МҚда янги кишилар пайдо бўлди: давлат органлари билан алоқа қилувчи котиб, ёшлар ташкилотлари билан алоқани мувофиқлаштирувчи қўмита раиси. Йигитларимиз социалистлар, социал-демократлар, анархосиндикалистлар билан учрашиб, умумий бўлган бирор бир нарсани топишга интилишмоқда. Мажлислар ўтказиш анча камайди. Энди Секретариат деган орган йўқ. Бюро бор. Илгари ҳаммасига аппаратдаги энг юқори бўғин Секретариат раҳбарлик қиларди. Ҳозир қарор коллегиаллик асосида қабул қилинадиган бўлса — бу Бюро. У ёғига эса ҳар бир котиб қилаётган ишига шахсан жавобгар.



— Бюрога котиблардан ташқари кимлар киради?

— Фақат биринчи, иккинчи ва ҳалқаро масалалар билан шуғулланувчи котиблargina Бюрога аъзо.

— Бу ҳаммага ҳам ёқавермаса керак.

— Албатта. Бироқ ҳокимиятнинг бўлинишини истасак бу ниҳоятда зарур. Бюрода эса яна ўн беш иттифоқдош жумҳуриятнинг ҳаммасидан вакил бор. Бюро таркибининг учдан икки қисми федерация субъекти вакиллари бўлишига қарор қилинган. Ана шундай қилинганда ҳар қандай ҳолатда ҳам марказ кўпчилик овоз ололмайди. Илгари ўн бир котиб Москва шаҳри комсомоллари етакчиси билан бирга йиғилардик. Ва доимо кўпчилик овозга эга эдик. Энди бундай бўлмайди.

— Комсомол МҚдаги янги одамлар — котиблар кимлар?

— Ҳар хил. Дейлик, Андрей Алейников сиёсат ва маданият билан шуғулланади. Илгари Ленинград шаҳар комсомол қўмитасининг биринчи котиби, кейин дорилфунунда катта ўқитувчи бўлиб ишлаган. Бамаъни йигит, у билан ишлаб зерикмайсан.

— Андрей Шаронов парламент билан алоқалар бўйича котиб. Съезддаги сайловларда рақобатчим эди. Кейинги ўн йилликда биринчи марта комсомол ёшидаги МҚ котиби. У 26 ёшда. Унинг аввалги энг юқори лавозими Уфа дорилфунунини комсомол қўмитаси котиби. Кейин халқ депутати бўлди. СССР Олий Шўроси ёшлар ишлари бўйича Қўмитасининг талабалар қуйи қўмитаси раиси.

«Анъанавий» тарзда котиб бўлганлардан бири Сергей Журавлев. Халқаро бўлим мудири эди. Икки тилни мукаммал билади. У билан бир неча йилдан бери дўст бўлсак-да, жангда яраланганини ва Қизил Байроқ ордени борлигини яқинда тасодифан билдим.

Саша Зинченко илгари ташвиқот бўлимини бошқарарди, ҳозир эса ёшлар ташкилотлари билан алоқаларни мувофиқлаштирувчи қўмита раиси. Айтгандай у, шунингдек Андрей Шаронов ҳам гитарани жуда яхши чалишади.

Ташкилий ишлар бўлими мудири Виктор Чепурин ҳам котиб бўлган. Бокс бўйича спорт устаси. Бошқа йигитлар ҳам ана шунақа ажойиб. Уларнинг ҳаммаси ўз касбидан ташқари яна нимагадир эришган, текис ва тўғри йўлдан илдам қадамлаб ён атрофга қарашни унутганларга қараганда ички дунёлари бой.

— Сени уларнинг деярли ҳаммаси комсомол ёшида эмасликлари ташвишлантирмайдими?

— Албатта ташвишлантиради. Сўзсиз ёшартириш зарур. Бироқ ҳар қандай яхши иш ҳам босқичма босқич амалга оширилиши лозим. Мисол учун мен ўз ўрнимга бир неча кишини мўлжаллаб қўйганман. Улар орасида фирқа аъзоси бўлмаган ҳам, 1968 йилда туғилган йигит ҳам бор...

— Сен тилга олган йигитларнинг ҳаммаси ҳам бу ерга амалга эришиш учун келишмаган деб, ўйлайсанми?

— Бугунги кунда комсомолга амал учун келган дейиш — қуруқ гап. Комсомолдан кетгач, ўзингга ёққан ишни ёки соҳани эгаллаш, бошқаларга қараганда бизга қийин бўлади.

— Ҳозирги комсомол ходимларининг касб-маҳоратини қандай мезон бўйича ўлчайсан?

— Агар гап 4-5 киши ишлайдиган райком тўғрисида борадиган бўлса улар чаққон, одамлар орасига дадил кирадиган ва улар билан мулоқот олиб бора оладиган бўлишлари лозим. ВЛКСМ МҚ тўғрисида гапирадиган бўлсак у ерда чуқур ихтисослашув зарур. Аммо фикримча ҳамма учун умумий бўлган талаблар ҳам бор. Ҳар бир комсомол ходими бўлаётган ҳодисаларни тўғри қабул қилиши, амалий хулоса чиқара олиши, фикрлашда ташаббускор ва ниҳоят албатта сиёсат ва иқтисод бобида билимга эга бўлиши зарур. Яна шуни айтишим керакки, балки бироз ошириб юбораётгандирман, аммо менимча худди гўшт суякка ёпишганидек одамнинг хуш аҳлоқлилиги ҳам унинг кимлигини кўрсатувчи асосий мезон бўлиб бошқа барча хислатлар унинг атрофида жипслашмоғи лозим.

— Кимлардир келади, кимлардир кетади... Билишимча комсомол МҚнинг собиқ котиблари қаёққа кетишлари у қадар катта сир эмас. Аммо буни асосан аппаратчилар билишади. МҚнинг олдинги етакчилари ҳозир қаерда?

— Виктор Мироненко КПСС МҚнинг ижтимоий-сиёсий ташкилотлар билан ишловчи бўлими мудирининг биринчи ўринбосари, Николай Пальцев КПСС МҚнинг масъул ташкилотчиси бўлди. Сергей Рогожкин Болгарияга, Дўстлик уйини бошқаргани кетади. Иосиф Орджоникидзе Москва шаҳар Шўроси ижроия қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари этиб тасдиқланди.

— Ҳар бир жумҳурият ўзининг мустақил ёшлар ташкилотига эга бўлгач комсомол МҚ қандай иш билан шуғулланади?

— Агарда янги Уставимиз диққат билан ўқилса у ҳозирданоқ анчайин сен гапирган ташкилотга мослаштирилганлиги аён бўлади. Биринчи марта ВЛКСМнинг олий анжуманида МҚнинг масъул ташкилотчиси лозимлиги ва қабул қилинган қарорларнинг мажбурийлиги нуқтаи назаридан унинг ваколати аниқ-таниқ қилиб ёзиб қўйилди. Биз съездни ўтказиш муддатини, унга вакиллик нормасини белгилаш ва бошқа айрим масалалардан ташқари масалалар бўйича мажбурий қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга эмасмиз. Яъни мувофиқлаштириш вазифаси ҳали ҳам бизнинг зиммамизда қолади, негаки, давлатнинг бир қисм вазифалари келгусида ҳам иттифоқ даражасида бўлади, қолганлари ҳаммаси қуйига берилади. Кейинги уч ой ичида қабул қилинган қарорларнинг биронтасида ҳам зиммасига юклансин дейилмаган. Фақат комсомол қўмиталарининг диққатини баъзи бир масалаларга қаратишимиз мумкин холос. Энди МҚ иттифоқ миқёсида федерация субъектлари вакиллари топширган масалаларни ҳал этиш билан шуғулланяпти, илгаригидек буйруқ бераётгани йўқ.

— Қизиқ, ВЛКСМ МҚнинг ўнлаб йиллар давомида биринчи марта ўз пленумида фирқа съездида ўз позициясини ишлаб чиққанлиги КПСС МҚдагилардан ҳеч кимга тегиб кетмадимикин?

— Албатта, фирқа МҚ аппаратида бизнинг «рухсат берилмаган» мустақиллигимиздан ғаши келаётганлар бўлса керак. Аммо бугунги кунда ҳеч ким «кўп нарсаларни зиммангизга олаяпсизлар» деёлмайди.

— Танаффус қиламиз ва бир дақиқа ишдан ўзимизни чалғитамиз. Айтчи, Ташқи иқтисодий банкда ҳисоб очганмисан?

— Йўқ. Тўғри озгина пул жамғарганман, ўн тўрт йилдан бери машина олишни орзу қиламан...

— «Правда»га хат ёзган телетомошабинни сен қандай қилиб ташқи кўринишинг билан ранжитдинг?

— Съезд тунги соат иккидан бир дақиқа ўтганда тугади. Мени биринчи котиб этиб сайлашди...

— Дарвоқе, биринчи марта муқобил асосдами?

— Ҳа, аввалига олти номзод бор эди, иккинчи марта овоз берилгандан сўнг икки киши қолди: Андрей Шаронов ва мен.

— Қандай устунликда ютдинг?

— Амаллаб... Уйга бориб, нонушта қилгунимча тонг отди. Уч соатча ётган бўлдим, кейин ишга. Табиийки, сочларим хурпайган. Келсам «Вақт» программасидан йигитлар ҳозиру-нозир бўлиб туришган экан...

— Володя, агарда ВЛКСМ МҚ котибларидан биронтаси КПСС сафидан чиқмоқчи бўлса унга қандай муносабатда бўласан?

— Менимча ҳозирги таркибдан ҳеч ким бундай қилмайди. Ельцин, Попов ва Собчакларнинг қарорини кўр-кўрона комсомолга кўчириш мумкин эмас: бизлардаги вазият турлича. У ёқда гап давлат ҳокимияти органлари тўғрисида бормоқда, биз эса фирқага яқин бўлган ёшлар ташкилотимиз. Агарда съездда консерватив кучлар ғолиб чиққанида сен сўрагандек бўлиши мумкин эди.

***

Бу расмий ҳисоботларда ёзилмаган. Рўзномалар КПСС МҚнинг янги таркиби сайланди, деб хабар беришган холос. Лекин съезддаги сайлов пайтида аҳвол ниҳоятда танг эди.

Маҳаллий қўмиталар таклиф этган рўйхатдан ташқари, Бош котиб таклиф этган 85 кишилик рўйхат бўлиб, унга Зюкин ҳам киритилганди. Делегатлар янги номларни қўшиб номзодлар сонини 99 тага етказишди. Муқобил асосдаги сайловларга ўхшаб қолди. Дарвоқе, рўйхат тузилаётган пайтда минбарда краснодарлик делегат пайдо бўлди ва Зюкин ўз нутқи билан комсомол ходимларини ҳақоратлади, собиқ комсомол ходими сифатида бу ҳол мен учун жуда уятли, деди ва уни рўйхатдан ўчиришни таклиф қилди. Залнинг турли бурчакларидан «Тўғри» деган овозлар эшитилди.

Овозга қўйишди. Зюкин 1573 қарши овоз билан тўқсон бешинчи (рўйхат бўйича 85 та бўлиши керак эди) бўлди. Нима қилиш керак? — ўйлади съезд. Ортиқчаларни чиқариб ташлаган маъқулмикин?

— Агарда шундай қарор қабул қилсак, демак 11 кун мобайнида биз бекорга ишлаган эканмиз, — деган овоз эшитилди минбардан. — Ҳозиргина ёшлар сиёсати тўғрисида резолюция қабул қилгандик, энди ёшлар етакчисини четга чиқариб қўямизми?

Бош котибнинг куч-ғайрати ва яна бир неча кишининг нутқидан сўнг делегатлар 99 киши учун овоз беришди.

Шу тариқа ВЛКСМ МҚнинг биринчи котиби КПСС МҚ таркибига кирмай қолмади. Ҳиёл бўлмаса ёшларнинг коммунистик иттифоқи компартия томонидан фирқадан ажратиларди...

***

— Шундай бўлса-да, айтчи Володя, ВЛКСМ МҚнинг бўлим мудири ёки котиби келиб: «Мен комсомолга содиқман, аммо фирқадан чиқишим зарур», деб ҳисоблайман» деса сен уни ишдан бўшатармидинг?

— Агарда бирор киши комсомолда қолишни истаган ҳолда КПССни тарк этса бу уни вазифасидан бўшатишга асос бўлолмайди.

— Яъни унинг бу иши сенга ҳеч қанча таъсир этмайди?

— Йўқ. Руҳий жиҳатдан мен буни қабул қила оламан.

— Бир йил олдин ҳам «қабул қила» олармидинг?

— Мен буни тушунмаслигим мумкин эди, чунки у пайтда ҳали етилмагандим.

— Ўз сафдошларинг билан ёшлар иттифоқи номини ўзгартирмоқчи, «ленинчи» ёки «коммунистик» деган сўзларни, балки унисини ҳам бунисини ҳам олиб ташламоқчи эмасмисан?

(Давоми 2-бетда).

Шу сонга хабар

Қишлоққа номи берилди

Тошкент вилоятида Ангрен деган шаҳарча бор. Унинг ёнгинасида жойлашган Бойовул қишлоғида оддий ва камтаргина Тўлқин Алматов деган бола туғилиб, ўсди. Унинг орзу-ниятлари бир дунё эди. «Насиб этса, армиядан қайтиб келай, кейин колхозда ишлайман. Кейин...»

Йўқ, бу тақдир деганларининг кўзи кўр бўлар экан. Бўлмаса фалакнинг гардиши айланиб, Тўлқиннинг чекига Афғон тушармиди! На илож, пешона экан. 1984 йили Афғонистондаги моторлашган ўқчилар қисмида хизмат қила бошлади. Тўлқин учун ҳақиқий йигитлик синови осон кечмади. Лекин анча-мунча қийинчиликларни татиб улгурган, оқу-қорани таниб қолган йигит хизматда қийналмади. Шу боис бўлса керак, кўп ўтмай унга «Жанговар хизматлари учун», «Жасурлиги учун» медаллари берилди...

1984 йилнинг 8 августи. Уларнинг ротаси тўсатдан душманлар қуршовига тушиб қолди. Оғир ва тенгсиз жанг бошланди. Душман пулемётчиси тўхтовсиз ўт очиб, бизникиларни бош кўтартиргани қўймасди. Тўлқин хизмат қилаётган взвод жангчилари ҳисобида эса бор-йўғи биттагина граната қолганди.

Тўлқин чидаб туролмади. Ҳалиги «мерган»ни қандай қилиб бўлсада, гумдон қилиш керак эди. Эмаклаб кета бошлади. Улгурди. Йўқ, у ўз дўстларининг жонини сақлаб қолишга улгурди-ю, лекин ўз жонини...

Ҳозир афғон уруши ҳақида роса ёзишаяпти. «Мақсадсиз уруш» деб ҳам аташди. Бу балки, ростдир. Лекин бизнинг шаҳид кетган йигитларимизнинг айби нима, ахир улар учун ўша пайтдаги буйруқ — қонун эди-ку. «Айтилган сўз, отилган ўқ.» Бажариш шарт. Улар ўз йигитлик бурчларини бажардилар...

Улар эсон-омон, тўрт мучаси соппа-соғ она уйлари остонасидан хизматга жўнаб кетишганди. Афсус. Энди улар мангу 19 ёшда қолдилар. Афғонда шаҳид кетганлар хотирасини эъзозлаш, ҳар бир инсоннинг бурчи. Бу биз тирикларнинг муқаддас қарзимиз. Мен бу сўзларни бежизга ёзмаяпман. Тўлқин ҳам ана шу урушнинг бегуноҳ қурбони бўлди. Унинг номи абадиятга айланиб қолажак. Элдошлари яқинда савоб ишга қўл урдилар. Тўлқин туғилиб ўсган қишлоқ энди «Алматов» деб аталадиган бўлди.

В. ПОЖОГИН,
Тошкент вилояти.

«Мерос» жамғармаси

Каттақўрғон шаҳар маданият бўлими жамоасининг ташаббуси билан «Мерос» деб номланган жамғарма ҳисоби очилди. Янги жамғарма ҳисобининг маъмурияти шаҳар аҳлига, барча корхона, ташкилот, муассаса, билим масканларининг жамоаларига қарата мурожаат ҳам қабул қилди.

«...Бугунги кунда барча миллат, элатларнинг вакиллари ўзларининг ғурур, имон-эътиқодлари, азалий урф-одат, удумлари, тил ва динларини ардоқлаш, шакллантиришга катта эътибор қаратишаётир, — дейилади мурожаатда, — ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган тарихий обидалар, масжиду мадрасаларни, ёдгорликларни асраб қолиш, уларни таъмирлаш, тиклаб асл ҳолига келтириш учун бел боғлаб амалий ишга киришилаётганлиги эзгуликдан нишонадир».

Маданият ходимларининг бу ташаббуси шаҳар фирқа ва комсомол қўмиталари томонидан қизғин маъқулланди. Каттақўрғонликлар мазкур даъватномадан беҳад руҳланишди.

Илк кунларданоқ «Мерос» ҳисобига маблағ туша бошлади. Турли жойлардан, айрим кишиларнинг жамғармаларидан махсус очилган 000700720-рақамли ҳисобга ҳозиргача 500 сўм тушди. Шаҳар маданият ходимлари ўзларининг бир кунлик иш ҳақларини «Мерос» жамғармаси ҳисобига ўтказдилар.

Хайрли иш учун саховат кўрсатаётганлар кўпайиб бораётир.

Абдуазиз ҲОШИМОВ,
Каттақўрғон шаҳридаги марказий маданият уйи ходими.

Йўллардаги нохушликлар

Шу йилнинг биринчи ярмида мамлакат йўлларида 133290 та йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлиб, 23,5 минг киши ҳалок бўлганлиги, 144 минг киши жароҳатланганлиги тўғрисидаги нохуш рақамлар қайд этилди. СИТА мухбирининг илтимосига кўра, СССР Ички ишлар вазирлиги давлат автомобиль инспекцияси Бош бошқармасининг бошлиғи Б. Коряковцев авария сабаблари ва уларни бартараф этиш учун кўрилаётган тадбирлар тўғрисида гапириб берди:

— Автотранспортда авария билан боғлиқ вазият мамлакатда ҳамон кескин бўлиб қолмоқда. Белоруссия, Грузия, Тожикистон, Ўзбекистон ва Украина ССРда, айниқса, оғир аҳвол вужудга келди.

240 тадан ортиқ ҳодиса темир йўлларда поездлар тўқнашуви билан боғлиқдир. Ана шундай аварияларчоғида 400 дан кўпроқ киши азият чекди.

Йил бошидан бери мамлакат йўлларида транспортни маст ҳолда бошқарган 733 мингта ҳайдовчи аниқланди. Қарийб 34 минг ҳайдовчи ичкиликбозликка қарши қонунни такроран бузганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилди. Бироқ, мана шундай сабаб билан авария юз бериш ҳамон юқори даражада қолмоқда — шундай ҳодисалар 22 мингтадан ошиб кетди.

БУНЁДКОР ТАЛАБА

Ўзбекистон ЛКЕИ Марказий Қўмитаси талабалар отрядлари ҳамда ўқувчилар меҳнат бирлашмалари жумҳурият штаби саҳифаси

№ 6 (169)

ШАРТНОМА БАЖАРИЛДИ

Пойтахтдаги юридик техникумнинг «Ёш юрист» талабалар отряди меҳнат таътилини Янгийўл ноҳиясидаги Усмон Юсупов номли агросаноат бирлашмасида ўтказиб қайтди. Талабалар бир ой мобайнида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини йиғиштириб олишда ишчиларга ёрдам бердилар.

— Талабаларимиз кўтаринки руҳ билан ишлашди, — дейди техникум директори Илҳом Бозорбоевич Бекбўлатов. — Шу боисдан ҳам натижа чакки бўлмади. Умуман олганда, талабаларимизнинг аксарияти вилоятлардан. Уларга қишлоқ хўжалик юмушлари азалдан таниш.

Отрядга Фаҳриддин Бобоқулов етакчилик қилди. 100 га яқин ўғил-қиз ягона мақсад йўлида фидокорона ишладилар. Ҳар куни 8-10 тонна миқдорида нок, олма, олча терилди. Пешма-пеш терилган маҳсулотлар қабул пунктларига, шаҳарликлар дастурхонига жўнатиб турилди. Ёшлар 100 сўм дан ошиқ иш ҳақи олдилар. Албатта бу қилинган турли харажатлардан ташқари қўлга нақд теккани.

Кимгадир бу сумма арзимас чақа бўлиб туюлиши мумкин. Аммо талаба учун бундай эмас. Қолаверса, техникумда таҳсил олаётган йигит-қизларнинг стипендиясига бирор таянч бўлади-да. Ота-она чўнтагига қачонгача кўз тикиш мумкин?

Хўжалик аҳли ҳам талабалар меҳнатидан мамнун бўлиб қолди. Умуман хўжалик маъмурияти талабалар учун шарт-шароит яратганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ахир жумҳуриятим и з д а г и кўпгина хўжаликлар талабаларга ўзгача кўз билан қараши сир эмас. Сени очиқ чеҳра ила қаршн олган жойда чин дилдан жон куйдирмасанг бу ҳам инсофдан эмас.

Отряд аъзолари кунлик режим асосида ишладилар. Эрталаб ҳамда кечки салқинда. Иш унуми ҳам шу боис юқори бўлди. Отрядларнинг Дилрабо Нарзиева, Қуролой Нурумбетова, Илҳом Тўхтаев каби аъзолари тенгдошларига барча ишларда намуна бўлдилар.

Давлат хўжалиги директори Сайфидин Абдураҳимовни талабалар анча вақтгача эслаб юришса керак. Бу у кишининг меҳрибонлиги, ёшлар меҳнатини қадрлаши туфайли. Хўжалик раҳбарлари талабалар учун ойнаи жаҳон, музлаткични биринчи кунлардаёқ муҳайё этди.


Техникум томонидан бунёдкорлар учун махсус концерт уюштирилди. Ноҳия маданият уйи бадиий ҳаваскорлари бу хайрли ишни ўз зиммаларига олдилар.

— Ёшларимиз ўзи меҳнатсевар, — деб сўзида давом этади техникум директори. — Ўтган йили Калинин ноҳиясининг «Москва» давлат хўжалигида ишлаганмиз. У ерда ҳам бизнинг ёрдамимиздан мамнун бўлиб қолишган. Техникум талабалари қишлоқ хўжалик юмушларини бажаришда вилоят меҳнаткашларининг энг яқин ёрдамчилари бўлиб қолишган.

А. МАМАДАМИНОВ.







Бунёдкорлик ишларига
баҳоли қудрат
ҳисса қўшаётган
йигит-қизлар орасида
фарғоналик талабаларнинг
ўз ўрни бор.
Сиз суратларда
кўриб турган ёшлар ҳам
Фарғона вилоятидан.
Улар айни кунларда
бободеҳқон
пешона тери билан
етиштирган неъматларни
йиғиштириб олишга
кўмак бермоқдалар.
Сураткаш

Аъзамжон МИРЗАЖОН.

Қарс икки қўлдан

Қарс икки қўлдан чиқади, деганлари тўғри экан. Бунёдкор талабаларнинг Фарғона вилояти штаби мутасаддилари қанчалик уринмасинлар, ҳаракат қилмасинлар уларга жўр овоз бўладиганлар топилмади. Астрахань вилоятига 250 нафаргина талаба жўнатилди, холос. Аслида эса олис ўлкага минг нафар йигит-қиз жўнатиш кўзда тутилганди. Тўғри, вилоят мутасаддиларини боқибеғамликда ёки лоқайдликда айблаш қийин. Аммо...

— Ишимизга билиб-билмай аралашадиганлар кўпайиб кетди, — изоҳ беради бунёдкор талабаларнинг вилоят штаби командири Қобилжон Иминов, — буйруқбозлик авж олди. Оқибатда Криловнинг машҳур масалидагидек аравани турли томонга тортишлар бўлди-ю, иш ўрнидан қўзғалмади.

Қобилжон бир зум ўйга толди. Мен унинг хаёлидан ўтаётган фикрларни уқдим. Ўтган йили худди шу вақтда бунёдкор талабаларнинг вилоят штаби Астрахань вилоятига йигит — қизларни юбормаслик ҳақида кўрсатма бериб, тузилган отрядларни тарқатиб юборганди. Орадан кўп ўтмай янги кўрсатма пайдо бўлди. Энди вилоят фирқа қўмитаси талабаларни Астраханга юбориш ҳаракатига бош бўлди. Узгалар алдовидан бармоқ тишлаб қолган комсомол четда қолиб кетди...

Кечаги кун воқеаларини баён этмоқдан муддао уддасидан чиқа олинмаган ишга баҳона изламоқ эмас. Тугуннинг ечимини топмоқдир. Ахир айнан сувнинг лойқаланиш, вилоят комсомоли қошида штаб мутасаддилари ҳаракатига ишончсизлик ўшандан бошланган эди.

Ўтган йилнинг июнь ойида вилоят фирқа қўмитасининг биринчи котиби (собиқ). Ш. М. Йўлдошев Қўқондаги йиғинлардан бирида одамларга қарата бирорта ҳам йигит-қиз олис ўлкаларда бунёдкор талабалар отрядида ишламайди, дея ваъз айтди. Котибнинг гапи фармойишга айланди.

Орадан кўп ўтмай кутилмаган ҳол юз берди. Марказқўмдагилар қўнғироғидан сўнг янги кўрсатма пайдо бўлди. «Зудлик билан Астрахань вилоятига талабаларни юбориш керак». Ўқув юрти раҳбарлари вилоят фирқа қўмитасида йиғилдилар. Уларга қатъий шарт қўйилди. «Қандай бўлмасин буйруқ бажарилиши лозим».

Вилоят комсомол ташкилоти иложсиз қолди. Ахир у сўнгги сўзини айтиб бўлганди. Ҳаракатга аралашув унинг юзини шувут қилиши тайин эди. Таътилга чиқиб кетган «кўнгиллилар»нинг айримлари зудлик билан қайтарилди. Баъзи «қарздорлар» эса мушкулдан халос этилди. Шундай қилиб томдан тараша тушгандек ҳеч қандай йўриқдан ўтмаган отрядлар ҳозирланди. 231 нафар талаба олис ўлкага йўл олди.

Ўтган йилги ҳангома бу йилги тайёргарлик кезларида комсомол мутасаддиларига панд берди. Оддийгина мисол. Марғилон қурилиш техникумидан Астрахань вилоятига 50 нафар кўнгилли бормоғи лозим эди. Штабдагилар, комсомол ташкилоти вакиллари билим юртида тушунтириш ишлари олиб боришди. Йигит-қизлар билан суҳбатлашиб уларни янги мавсумга ҳозирлай бошладилар. Лекин техникум директори Садриддин Салоҳитдинов тўнини тескари кийиб олди:

— Бирорта ҳам бола юбормайман, — деди у очиқдан очиқ.

— Нега! — жавоб кутишди мутасаддилар.

— Кўнгилсиз ҳол юз беришини истамайман, ким билади олис ўлкада, — таъкидлади у. — Қолаверса, пенсияга чиқишимга оз қолди...

— Ахир ўқувчиларнинг ўзлари, ота-оналари ҳам рози-ку, — оғиз жуфтлади ташкилотчилар.

— Мен коммунистман, — уларнинг сўзини бўлди директор. — Фақат фирқа қўмитасидагилар билан гаплашаман, сизлар билан эса...

У гап тамом дегандек хонасига кириб кетди.

Фақат бугина эмас. Вилоятдаги жуда кўп ўқув юртларида ачинарли ҳол юз берди. Фарғона Давлат педагогика институтидан бирорта ҳам талаба олис ўлкага юборилмади. Ношудлик шу даражага бориб етдики, Фарғона вилоятидаги ишга—кўмаги зарур жойларга талаба юборишга ҳам тўсиқ қўйилди. Қувасой шаҳридаги Ҳамид Олимжон номли давлат хўжалигига 100 нафар, Максим Горький номли давлат хўжалигига 50 нафар талаба юборилиши лозим эди.

— Исроф бўлаётган меваларни кўриб юрагингиз ачийди, — куюнади Қувасой шаҳар комсомол қўмитасининг иккинчи котиби Йўлдошали Абдувалиев. — Аввало ишонтирмасликлари лозим эди. Уларнинг ёлғон ваъдасидан доғда қолдик. Шаҳардаги «Социализм» давлат хўжалигида ҳам ҳозир аҳвол оғир.

Фарғона ноҳияси хўжаликлари миришкорлари ҳам талабалар кўмагига беҳуда кўз тикишган экан. Ноҳиядаги Усмон Юсупов номли, «Фарғона» давлат хўжаликларида пишиб етилган мевалар нобуд бўлмоқда.

— Комсомол ёшларнинг ишчи кучи зарур бўлган жойларда кўмак беришларига қарши эмасмиз,— дейди Фарғона Давлат педагогика институти комсомол ташкилоти котиби ўринбосари Алижон Солиев.— Аксинча талабалар билан суҳбатлар ўтказиб уларнинг розилигини олдик.

Яна юқоридагидек ҳол. Комсомолнинг қўли калта. Мутасаддиларнинг қайта-қайта сўровига институт проректори Ғуломат Ҳошимов лўндагина жавоб қилди:

— Имкони борича талабаларимизни четга чиқармасликка ҳаракат қиламиз.

Раҳбарият зарур бўлганда комсомолни четга суриб қўйди. Кимнингдир илтимосига кўра, 20 нафар йигит шаҳардаги қурилиш ташкилотларидан бирига юборилди. «Кўнгиллиларни» на комсомол ташкилотидагилар кўришди, на штабдагилар хабардор бўлдилар. Аксинча улар ҳозир елка қисишдан нарига ўтишмаяпти.

— Астрахань вилоятига талабаларни юборишнинг нимаси ёмон, тушуна олмайман, — сўзлайди вилоят бунёдкор талабалар штаби бош инженери Бахтиёр Дадажонов. — Шароитни бориб ўрганиб келдик. Ҳеч қандай хавотирга ўрин йўқ. Қолаверса, вилоятдаги 70—75 фоиз дам олиш лагерлари бунёдкор талабалар учун мослаб қурилган. Талабалар кўмагисиз улар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини йиғиштириб ололмайдилар.

Олис ўлкада меҳнат қилиш энг аввало талабанинг дунёқарашини кенгайтиради. Мустақил ишлаш, мусофирчилик, хуллас у ҳар томонлама чиниқади. Моддий манфаатдорлик ҳам яхши. Ўтган йили олисдаги вилоятда меҳнат таътилини ўтаганлар 1300—1500 сўм атрофида иш ҳақи олишди. Худди шундай юмушни ўз вилоятимизда уддалаганлар эса 150 сўмдан пул олдилар, холос.

Масаланинг иккинчи томони, дейлик, раҳбарлар талабаларни олисга юборишдан хавотирда эканлар, нега уларни ўзимиздаги ноҳияларга отлантиришга ҳам оёқ тирайдилар. Балким улар яна «юқори»дан буйруқ кутишаётгандир! Ахир буйруқбозлик касалига мубтало бўлган айримлар учун яна нима керак!

Биз хўжаликларда меҳнат таътилини ўтказаётган айрим отрядлар ҳаёти билан танишдик. Қўқон тиббиёт билим юртининг 170 нафар ўқувчиси Қувасой шаҳридаги Акмал Икромов номли давлат хўжалигида ишлашяпти. Улар шафтоли, олма сингари мева тераяптилар.

— Аслида 150 нафар ўқувчи келиши лозим эди, — дейди отряд командири Муроджон Ёқубжонов, — лекин 20 нафар кўнгилли меҳнат таътилини биз билан ўташ истагини билдирдилар.

Билим юрти талабалари ҳар йили мева йиғиштириб олишда иштирок этадилар. Шу боисдан ҳам таътилни ўзига хос завқли ўтказиш уларга маъқул келади.

Амалдаги йилда «Тиббиёт-90» отряди 90 минг сўмлик иш бажариш мажбуриятини олган. Ҳар бир ўқувчи кунига 150—200 килограммга етказиб мева узаяптилар. Муқаддам Рўзиматова, Ибодат Раҳимова, Раҳима Ҳамдамова, Шоҳида Ҳайдарова сингари талабалар барчага ўрнак. Улар кунлик режа-топшириқларни 1,5—2 ҳиссага адо этишаётир. Оталиқ ташкилот талабалар учун барча шароитни муҳайё қилишган. Шинам турар-жой, кутубхона, телевизор, магнитофон ёшлар ихтиёрига бериб қўйилган. Агитбригада ишлаб турибди. Шахмат-шашка, волейбол мусобақалари ўтказилиб борилаётир.

Биз меҳнат таътилининг қандай ўтаётганлиги хусусида звено бошлиқлари билан суҳбат қурдик.

Муҳаббат ИМОМАЛИЕВА: — Меҳнат қилишдан ташқари бўш вақтни ҳам мазмунли ўтказаяпмиз. Айниқса, Арофат Бозорова, Гулчеҳра Боймирзаева каби ҳаваскор қизларимиз имкон бўлди дегунча ашула машқ қилишади. Анора Тўйчиева эса хиром айлайди. Хуллас талабалар ёзги фестивалида иштирок этиш ниятимиз бор. Энг муҳими мусиқа асбоблари бўлса бўлди. Ҳозирча улар етишмайди.

Сора СОЛИЕВА:— Ўқиш бошқа тер тўкиб ишлаш бошқа экан. Тенгдошларимиз характерини синовдан ўтказаяпмиз. Қолаверса, тер тўкиб топган ноннинг қадри бўлади, дейдилар-ку. Меҳнатнинг қадрига етаяпмиз.

Одина НОРМАТОВА: — Менга қолса ҳар йили ёзги таътилни хўжаликларда ўтказардим. Ўзганинг оғирини енгил қилишдан фойдали иш йўқ. Чунки бизнинг кўмагимиз бўлмаса, тер тўкиб етиштирилган ҳосил нобуд бўлиши ҳеч гап эмас. Аммо отрядда тиббиёт ходимлари назорати бўлишини истардим.

Айни ҳақиқат. Вилоятдаги аксарият отрядларда тиббиёт вакиллари йўқлигига амин бўлдик. Чунки отрядларда уларнинг ўрни сезилмас эди. Маълум бўлишича 2-3 отряддагина тиббиёт ходимлари бор экан.

Бахтиёр ДАДАЖОНОВ — бош муҳандис шундай изоҳлади:

— Сўровимизга биноан Андижон Давлат тиббиёт институти 47 нафар талабани отрядлар учун ажратди. Улардан 3 нафаригина қизлар эди, холос. Қолаверса, тақсимотдагиларнинг аксарияти тажрибасиз.

Меҳнат семестри энди авжига чиқаяпти. Бунёдкорлик ишлари кенг кўламда қулоч ёзаётир.— Истаймизки эришилаётган ютуқларга камчиликлар соя солмаслиги лозим. Отрядларни сафарбар этиш масаласига келсак вилоят комсомол қўмитаси бу ҳақда жиддий бош қотирмоғи зарур. Акс ҳолда сансалорлик, буйруқбозлик, масъулиятни соқит қилиш ҳоллари давом этаверади. Ахир қарс ҳам икки қўлдан чиқади.

Фозилжон ШОДМОН,
«Ёш ленинчи» мухбири.

ҲОЗИР КОМСОМОЛДАГИЛАР АМАЛПАРАСТ ЭМАСЛАР

(Боши 1-бетда).

— Мен учун ташкилотнинг номи унинг мазмунидан келиб чиқади. Муҳими ВЛКСМ XXI съезди натижасида ташкилотнинг ўзи қандай бўлиб қолишидир. Съезд комсомолга катта эркинликлар берди ва ижодий жараёнларни режалаштирди. Мисол учун ҳозир Украинада комсомол ўз шаклига эга. Уларнинг Уставидаги иккинчи жумладаёқ шундай дейилган: УЛКЁИ Устави нормалари ВЛКСМ Устави нормаларига нисбатан устунликка эга. Ташкилот эса УЛКЁИ — ЁДС (Ёшлар демократик социализм учун) деб аталади. Бизнинг съездимизда бўлмаганди, уларда эса бўлди: ташкилотнинг номи қисман ўзгарди. Россия комсомолида эса жамоа бўлиб аъзо бўлиш қабул қилинди. Ёки «Ёшлар Латвия тараққиёти учун» ташкилотини олиб кўрайлик. Йил охиригача унинг ВЛКСМга жамоа аъзо бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Демоқчиманки, съезд одамларга ижтимоий сиёсий вазиятда қайси йўл маъқул бўлса, ўшани танлаш имконини берди.

Натижада биз съездда шаклланган моделдан анчайин фарқ қилувчи моделга келамиз. Съезд ҳамма масалаларни ҳал этишга, охирги нуқтани қўйишга интилмади, балки ҳаракат қилиш учун катта имконият яратди. Ташкилотимиз янгитдан шаклланиб бўлгач, унинг номи тўғрисида ўйлаб кўрамиз.

— Сўнгги уч ойда ёқимли қандай воқеа бўлди!

— Ёқимли эмас, эҳтиросга бой воқеа ҳақида гапираман. Майнинг бошида Смоленскда Хотира вахтасида бўлгандим. Кўпгина вилоятлардан келган болалар халок бўлган жангчиларнинг қолдиқларини излашарди. Мен улар билан бирга ишладим. Тиззадан лойга ботиб одам суякларини қидиришди. Топганларини ювиб, тозалаб, махсус идишларга жойлашди ва дафн этишга жўнатишди... Аскар медальонини кўрмай қолишдан худо асрасин!.. Бир қизча ҳидига қараб медальоннинг бўш ёки бўш эмаслигини аниқларди... Буларнинг ҳаммаси расмий ҳисобот учун эмас. Мен у ердан кўнглим тоғдай кўтарилиб, халқимизнинг маънавиятини йўқотиб бўлмайди, деган қатъий ишонч билан қайтдим.

— Сафар ҳақида гап очилган экан, айтчи сен йўлга қандай чиқасан! Аэропортгача бир тўда аппаратчилар кузатиб бориб, орқангдан узоқ қўл силкиб қолишадими!

— Қанақа кузатувчилар? Машинага ўтирдингда кетдинг, тамом — вассалом. Ёки тайёрага — алоҳида тайёрага эмас албатта.

— Шахсий соқчиларинг қанча!

— Нималар деяпсан, қанақа шахсий соқчилар?..

— Сўнгги юз кунда энг ёқимсиз нима бўлганди! Муваффақиятсизликми, таассуфми!

— Фирқанинг Россия съездидан сўнг қаттиқ афсуслангандим. Кейин бирон ёққа бурилиш жуда қийин бўлади деган туйғу бор эди.

— КПСС XXVIII съезди сенда умид уйғотадими!

— Россия съездидан сўнг биз ўнгга қараб кетамиз ва фирқа ўзини ўнглолмайди, деб қўрққандим... Бироқ йигирма саккизинчининг охирига бориб айрим умидлар пайдо бўлди...

— Комсомол ҳар ҳолда коммунистик ташкилот бўлиб қоладиган бўлса унинг биринчи котиби КПСС МҚ Сиёсий Бюросининг аъзоси бўлиши керак, деб ҳисоблайсанми!

— Фикримча бундай қилиш керак эмас. Биринчидан икки — бизнинг ва фирқа съездларидан сўнг ўзаро муносабатлар системаси белгиланди: ҳамкорлик. Бироқ улар мустақил ташкилотлар бўлиб ҳеч қайсиси бир бирига хукмини ўтказмайди. Иккинчидан Сиёсий бюро ҳозир кеча-кундуз ишламоқда, стратегияни ишлаб чиқмоқда, кучларни жамламоқда. Менинг эса ишим бошимдан ошиб ётибди. Шунинг учун ҳам у ерда қуруқ савлат бўлишдан наф йўқ.

— Илгари комсомол мамлакатнинг ҳамма ишларида қатнашарди ва айни пайтда унинг нимага даъват этилганини, қандай мақсади борлигини тушуниб бўлмасди. XXI съезддан сўнг нима ўзгарди! Аниқ мақсад, мўлжал пайдо бўлдими!

— Янги Уставда ёзиб қўйилган: ВЛКСМнинг мақсади — ёшларнинг камол топиши, янги жамиятни қуришда қатнашиши учун шароит яратиш. Агарда биз ўзимиз ҳам бошкетини йўқотиб қўйган ғоявий кўрсатмалар асосида жипслашмоқчи бўлсак муқаррар равишда ташкилотни қуруқ сиёсат билан шуғулланувчи бир неча қисмга бўлиб юборамиз. Шу боисдан ҳам комсомолни бирлаштирувчи нарса ижтимоий вазифа бўлмоғи даркор. Майли ташкилотимиз сиёсий жиҳатдан чидамлироқ, турли-туман бўлсин. Ахир ҳозир ҳам унинг сафларида социал-демократик, социалистик қарашдаги ёшлар борку. Лекин уларни бирлаштирувчи асосий нарса инсон тўғрисидаги ғамхўрлик бўлмоғи лозим.

— Чиройли жаранглайди. Инсон тўғрисида ғамхўрлик қилиш ҳақида биринчи марта эшитмаётгандайман. Аниқроқ айтишнинг иложи йўқми!

— Яхши. Авваламбор қонун лойиҳаси тақдим этиш ҳуқуқимиздан фойдаланамиз. Бюронинг съезддан сўнг ўтган биринчи мажлисидаёқ биз Олий Шўро сессиясида кўрилаётган қатор қонун лойиҳаларини муҳокама қилдик ва ўз таклифларимизни киритдик. Бош вазиримиз бозор иқтисодиётига ўтиш тўғрисида маъруза қилганида ўз позициямизни ишлаб чиқдик ва ҳукуматга киритдик. Олий Шўронинг ёшлар ишлари бўйича Қўмитасига мурожаат қилиб август ойида бозор иқтисодиёти шароитида ёшларнинг ижтимоий ҳимояланишига доир қатор аниқ масалалар юзасидан Вазирлар Кенгаши вакилларини эшитишни илтимос қилдик.

Куни кеча «Новое поколение» («Янги авлод») деб аталувчи ва ёш депутатларни қўллаб-қувватловчи фонд ташкил этдик. Энди қишлоқ Шўросидан тортиб токи парламентгача йигитларга қонун лойиҳаларини тайёрлашда, минтақа ёшлар сиёсатини ишлаб чиқишда, ҳокимиятнинг ижроия органларида ёшлар структураларини шакллантиришда қатнашишларига ёрдам беришга ҳаракат қиламиз. Ёшларга ижтимоий хизмат асоси бўлган ахборот системасини тузишга киришдик. КПССга ёрдам сўраб мурожаат қилмоқчимиз.

Ўтган пленумда хўжалик ҳисобидаги корхоналаримиздан тушган 10 миллион сўм фойдани оталари Афғонистонда ҳалок бўлган етим болаларга ажратишга қарор қилдик: ҳар бир болага қарийб икки мингдан тўғри келаркан. Съездда «Артек», «Орлёнок», «Океан» каби йирик кашшофлар оромгоҳларидаги кўплаб жойларни Чернобль зонасидаги болалар учун ажратишга қарор қилдик. Биринчи смена бошланганда «Артек»да бўлгандим.

— Ярим йил муқаддам МДДда тажриба ўтказишганди: факультетлардан бирида барча комсомол аъзоларига ҳисоб варақаларини беришди. Ким истаса қайтиб берди ва комсомолда қолди. Истамаганлар қайтиб беришмади.. Балки мамлакат миқёсида ҳам шундай қилиш керакдир!

— Агарда бирор ерда бунга эҳтиёж туғилган бўлса — худо ҳаққи бемалол. Николаевск — Амурда йигитлар қайтадан рўйхатдан ўтказишди. Комсомолда қолишни истаганлар қолишди. Демак, шундай қилиш керак бўлган. Аммо буни сунъий равишда ҳаммага тозалашнинг ушбу усулини тиқиштириш яхшиликка олиб келмайди.

— Нимадан чўчиётганингни, нима ушлаб турганлигини айта оласанми!

— Агарда бирор нарса мени ушлаб турган бўлса — бу илгариги кўникма ва одатлардир. Лекин мен уқадар эски қолипларга ёпишиб ҳам олмаганман. Ҳар ҳолда шундай деб ўйлагим келади.

— Нимага вақтинг етмайди!

— Жуда кўп нарсага. Ўзим шуғулланаётган нарсани чуқурроқ билишга ҳам, янги китоб ўқишга, янги фильм, спектакль кўришга. Шу жумладан оилага, қизиққан ишим билан машғул бўлишга ҳам.

***

...Икки йил муқаддам МҚ биносига бемалол кира оламан, биринчи котиб хонаси жойлашган тўртинчи қаватга чиқиб у билан сенсирашиб гаплашаман деб тасаввур ҳам қила олмасдим. Илгари бу гиламлар устидан аппаратдаги корчалонлар ҳам биринчи сонли курсини эгаллаш тўғрисидаги ширин орзулар билан сассадо чиқармай оҳиста қадам ташлашарди. Муздек совуқ, Коммунизм чўққисидек баланд, автомат жавоб берувчидек хушмуомила, гўзал котиба эса уларни мийиғида кулиб кузатарди.

Тўсатдан Зюкинга мутлақо ҳавас қилмаётганлигимни ҳис этдим. Унинг юксак мартабасига ҳам, катта маошига ҳам, онда-сонда бўлсада хорижга сафарга чиқиш имкониятига эга эканлигига ҳам. У ўзининг бақувват елкаларига олган юк назаримда кўтариб бўлмас даражада эди. Чидаш берармикан?

Нима бўлганда ҳам у тарихга кирди. Энди ҳар бир хронологик рўйхатларда унинг номи комсомол МҚнинг бошқа биринчи котиблари қатори тилга олинади. Бироқ асосийси бу эмас.

Асосийси тарихга кириш эмас, балки ундан чиқмасликдир. Эшикни ёпишга улгурмасингдан орқангдан қақшатқич танқидга учрамасанг бўлгани. Энг муҳими йиллар ўтгандан сўнг ҳам одамлар сени кўрганда хурсанд бўлишсин, хушнудлик билан саломлашишсин. Худди Рейганни Сиэтлдаги стадионда қутлашгани каби.

Бироқ, ҳозирча ҳеч кимга шундай кетиш насиб этмади. Энди навбат Зюкинга. У анъанани бузармикан?

Юрий РАГОЗИН.
«Комсомольская правда»дан олинди.

ТАНҚИД ҲАҚҚОНИЙ БЎЛСИН

1895 нафар талабани ўз сафига бирлаштирган бир неча отряд Наманган вилояти ҳудудида меҳнат таътилини ўтамоқда. Бунёдкор талабаларнинг меҳнати кўпчиликка манзур бўлаётир. Бироқ, шу йилнинг 15 июль куни Ўзбекистон радиоси орқали берилган эшиттиришларнинг бири бизни ғалати ҳолга солиб қўйди. Негаки, мазкур эшиттиришда вилоят касаба уюшмалари қўмитаси матбуот маркази раҳбари Обиджон Жуманазаров талабаларнинг иш фаолияти, талабалар отрядлари штаби ҳақида ноҳаққоний материал бердилар. Қани энди танқид тўғри бўлса, биз штаб аъзолари тегишли хулоса чиқариб олсак. Келгусида у бизнинг яхши ишлашимиз учун туртки бўлса. Аммо танқид ноўрин айтилса, жуда оғир ботаркан. Устига-устак елиб югуриб дакки эшитганинг ортиб тушади. Билмадим, О. Жуманазаров нимага асосланиб, қайси бир виждон билан талабаларнинг ҳақиқий ҳаётини чуқур ўрганмасдан, қолаверса, талабалар манфаатини кимлар ҳимоя қилаётганлигини аниқламай, жумҳурият радиосида чиқиш қилдилар.

У кишининг Янгиқўрғонда мевалар ачиб ётган, Задарё далалари пичанга мўл бир пайтда талабалар отрядлари вилоят штаби мўмай пул кетидан қувиб, ёшларимизни жумҳуриятимиздан четга жўнатишлари тўғрими, деган фикрларига қўшила олмайман. Нега? Аввало, вилоят талабалар отрядлари штаби биринчи навбатда яшашга, ишлашга қаерда шароит етарли бўлса, ўша ерга ёшларни йўллайди. Шароитларни эса вилоят, ноҳия, хўжалик раҳбарлари яратиб беришлари зарур. Шунингдек, қаерда нима иш борлиги, қанча талаба кучи зарурлиги ҳақида олдиндан режалаштирилиб, вилоят талабалар отрядлари штабига ахборот, ариза беришлари даркор. Шуни ёддан чиқармаслик зарурки, мазкур штаб талабалар отрядлари манфаатларини, меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган ягона ташкилотдир.

Афтидан радио материалининг муаллифи бу нарсалардан бехабарга ўхшайди. Яна у кишининг эътиборига шуни маълум қиламизки, бу йил бирорта талаба ҳам ишлаш учун вилоятимиздан ташқарига чиқарилмади. Улар асосан Уйчи, Учқўрғон, Янгиқўрғон, Наманган, Чуст ноҳияларида қишлоқ хўжалик ва қурилиш ишларида фаолият кўрсатишаётир. Минг афсуски, кўнгиллилар учун кўп жойларда етарли шароитлар йўқ. Аммо улар нолишаётгани йўқ. Қолаверса, бизнинг халқимиз бу хислатдан йироқ.

Мен Тошкент машинасозлик институтининг Наманган филиали толиби сифатида жумҳуриятимиздан ташқарида кўп маротаба бўлганман. У ерлардаги шароитларни бизларникига тенглаштириб бўлмайди. Биринчидан, у ердаги раҳбарлар талабаларга арзон ишчи кучи сифатида эмас, балки инсоний муносабатда бўлишади. Иккинчидан, меҳнатинг қадрланади. Яхши ҳақ оласан. Ахир ёзда дам олиш ўрнига меҳнат қилишга отланган талаба учун биринчи планда иқтисод туради.

Ҳа, бундай мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин. Биргина мисол. 1988 йили июль — август ойларида мен етакчилик қилган отряд РСФСРнинг Киров вилояти Грехова қишлоғида меҳнат қилди. Биз ишлаган ташкилот раҳбарининг саховатини қаранг-ки, талабаларимизга миллий таомимиз — паловни тайёрлаш учун барча зарур анжомларни муҳайё этди. Спорт мусобақаларида иштирок этишимизга деб алоҳида кийим-бош тайёрлади. Бундан ташқари биз у ерда мамлакатимизнинг турли бурчакларидан келган талаба ёшлар билан учрашдик. Фикр алмашдик. Билмаганимизни ўргандик. Ўзбек урф-одатимизни, миллий санъатимизни, маданиятимизни тарғиб этдик. Билмадим, О. Жуманазаровнинг хаёлларига бундай фикрлар келганми, йўқми, буниси менга қоронғу.

Кези келганда шуни айтиш кераккки, вилоятимиз, ноҳиямиз раҳбарлари ҳам қаерга қанча талаба ёрдами кераклигини билишмайди.

Эфир орқали жумҳуриятимиз бўйлаб тарқалган «Мевалари ачиб ётган Янгиқўрғон ноҳиясида» ҳозирги кунда 450 нафар талаба ўз меҳнат таътилини ўтамоқда. Чунончи, ноҳиядаги «Заркент», «Ходикент», «Паромон» давлат хўжаликларида ишлаётган Наманган педагогика билим юртининг «Зафар» ва «Роҳат», Наманган қишлоқ хўжалик техникумининг «Электрон» талабалар отрядлари аъзолари истиқомат қилаётган дала шийпонларининг ҳолати, дам олиш учун шароитлари талабга жавоб бермайди. Қизиқ, хўжалик раҳбарлари шу пайтгача нима билан машғул бўлишди? Ахир улар шартномага мувофиқ талабаларнинг бу ерга ёрдамга келишларини олдиндан билишарди-ку.

Бундан ташқари кўпгина талабаларимиз қурилиш соҳаларида ишлашяпти, Аммо қурилиш отрядларида аксарият ишлар қўлда бажарилмоқда. Техника хавфсизлиги муаммолари эса ҳалигача ҳал этилмаган. Агар бундай аҳвол давом этаверса, талабаларимизнинг тан жароҳати олишлари турган гап. Мана, эрта-индин тенгдошларим қурувчи-муҳандис дипломини олишади. Аммо уларда қурилишлардаги мавжуд аҳволни кўриб, касбларига нисбатан муҳаббат ортиши ўрнига нафрат уйғонмасайди, деб қўрқаман. Даҳшат! Бундан бошқа сўз топиш амри маҳол. Хўш, бунга ким айбдор? Вилоят талабалар отрядлари штабими? Албатта йўқ. Назаримда вилоятимиздаги қурилиш ташкилотлари раҳбарлари, ўша талабаларнинг ўқитувчилари бу ишнинг камчиликларини ўзларидан қидирсалар, айни муддао бўларди.

«2-Агропромстрой»га қарашли 147-ихтисослаштирилган механизациялашган кўчма колонна объектларида ишлаётган Косонсой қурилиш техникумининг ёшлари учун ювиниш воситалари йўқ. Бу ерда ёшлар учун на алоҳида хона, на телевизор, на рўзнома ва ойномалар бор. Дам оладиган жойлар ҳам ачинарли аҳволда. Наҳот, бўлғувси қурувчиларга муносабат шу тарзда кечса.

Умуман, бундай отрядларнинг фаолиятини яхшилаш, уларга ҳеч бўлмаганда имкон даражасида шароит яратиш вилоят талабалар отрядлари штабини ҳам ўйлантирмоқда. Ахир ёзнинг жазирама кунларида тер тўкишнинг ўзи бўлаётгани йўқ. Бу сатрларни ёзишимдан мақсад, О. Жуманазаровнинг ишимизни нотўғри танқид қилганлигини айблаш эмас. Ваҳоланки, танқид бирор мақсадга йўналтирилган, асосланган бўлиши керак. У холисона бўлсин. Келгуси ишларимиз ривожига таъсир кўрсатсин.

Алишер АҲМЕДОВ,
Наманган талабалар отрядлари вилоят штаби аъзоси.

ОДАМЛАР БАХТИГА ЯРАЛГАН

Мақоламиз қаҳрамони Мамарашид ака Исоқулов Ғаллаорол ноҳиясининг Ғ. Ғулом номли давлат хўжалигига қарашли Бешкал қишлоғида яшайди.

Унинг болалиги айни оғир уруш йилларига тўғри келди. Бунинг устига отадан эрта етим қолди. Онаси Ойшахон фарзандининг оч-юпун қолмаслиги, ўксимаслиги, оқ-қорани таниши, билимли, ҳақиқий инсон бўлиб етишиши учун барча ишни қилди.

Мактабни яхши баҳолар билан тугатган Мамарашид 1957 йили Самарқанд педагогика техникумига ўқишга кирди. Уни 1959 йили битиргач, яна ўз қадрдон қишлоғига қайтиб келди. Мана қарийб 30 йилдирки, 37-мактабда бошланғич синф ўқувчиларига сабоқ бериб келади. Шу ўтган вақт мобайнида қанчадан-қанча болалар қўлига қалам тутиш, ўқиб-ёзишни илк бор у кишидан ўргандилар. Мамарашид аканинг тарбиячилик билан бир қаторда иккинчи касби, тўғрироғи, иккинчи истеъдоди бор. У киши чиққан, синган тана аъзоларини даволайди. Мазкур мақоламиз худди ана шу ҳақида.

Мамарашид аканинг табиблик билан шуғулланиши бутунлай тасодифий ҳол эмас, албатта. У кишининг боболари Абдушукур бобо (онасининг отаси) ҳамда Абдураззоқ исмли тоғаси узоқ-узоқларга донги кетган катта табиблар бўлишган. Лекин бундан 25 йил муқаддам қуйидаги ҳол юз бермаганида табиблик қилиш унинг тушига ҳам кирмасди.

Мамарашид аканинг уйига тушга яқин қўшни ноҳиядан меҳмон келди. Меҳмонни жойига қўйиб кутиб олишди. Кеч кирди. Бир пайт ҳовлида ёш боланинг йиғиси эшитилди. Нима гаплигини билиш учун Мамарашид ташқарига чиқди. Йиғлаётган 4 ёшли қизи Хайри экан. Маълум бўлишича, қизалоқ ҳовлида от аравада ўйнаётиб йиқилиб тушиб, чап қўли синибди.

Оғриқнинг зўридан бўлса керак, у тинимсиз йиғлар, овутишнинг сира иложи йўқ эди. Нима қилиш керак? Отанинг боши қотди. Касалхонага олиб борай деса, узоқ, бунинг устига кеч бўлиб қолди. Лекин нима бўлганда ҳам бирон-бир чора топиши керак. Уйдан латта олиб чиқиб, Хайрининг синган қўлини яхшилаб боғлаб қўйди. Оғриқ сал-пал босилди шекилли, қизча йиғидан тўхтади.

Эрталаб меҳмонни кузатиб қўйгач, Мамарашид қизининг ҳолидан хабар олди. Шикастланган қўл шишиб кетган, оғриқ яна зўрайганди. Мамарашид қўлни қайтадан боғлади. Бир ҳафтадан ортиқ вақт ўтди. Қўлдаги оғриқ бутунлай қолди, шиш йўқолди. Кўп ўтмай боғланган латтани олиб ташлади. Қизи ҳеч нарсани кўрмагандай, соғайиб кетди.

Ўзингиз биласиз, қишлоқда бирон янги хабар ё воқеа тез тарқалади. Юқоридаги воқеадан ҳам қишлоқ аҳли бехабар қолмади...

Қишлоқда яна нима кўп, от, эшакдан, дарахтдан йиқилган кўп, машина, трактор, мотоцикл ҳайдаб, фалокатга йўлиққанлар ҳам учраб турди. Хуллас, шикастланган катта-ю кичик Мамарашид аканинг уйига нажот қидириб кела бошлади. Ўтган чорак аср мобайнида у минглаб одамларнинг дардига дармон бўлди.

Мамарашид ака шикастланганларни ўз уйида қабул қилади. Оғриқнинг зўрига чидолмасдан дод-вой қилиб келганлар унинг муолажасидан кейин ўзларини енгил ҳис қиладилар. Кўп фурсат ўтмай синган ё чиққан жойлари бутунлай тузалиб кетади.

Беморлар узоқ жойлардан, қўшни Самарқанд, Сирдарё вилоятларидан ҳам уни излаб келишади. Ишда эканлигини эшитгач, кўпинча сабрлари чидамасдан мактабга йўл олишади. Мамарашид ака дарсига халақит берганларни ёқтирмайди. Лекин, начора, танаффус пайтларида беморга қарашга мажбур бўлади. Ахир, кўз олдингда кимдир оғриққа бардош қилолмай, кўз ёши қилиб турса-ю қандай чидаб туриш мумкин? Айниқса, у ёш бола бўлса...

Мамарашид аканинг олдига беморларнинг оқиб келишига уларнинг тез тузалиб кетаётганлиги, ихтисослашган касалхоналарнинг қишлоқдан узоқлиги, етук шифокорларнинг камлиги сабабдир.

Бир куни синф эшигини кимдир тақиллатди. Чиқиб қараса, қўшни қишлоқдан кексароқ бир киши 11—12 ёшлардаги ўғлини олиб келибди. Бола футбол ўйнаётганда йиқилиб, оёғи шикастланган экан. Дарс тугагач, Мамарашид ака боланинг оёғини жойига солди ва «Қани, бир юриб кўр-чи» деди. Бола дастлаб ишонмади...

Аммо шунисн ажабланарлики, Мамарашид ака ҳақида ҳали бирон бир матбуот саҳифасида ёзилмаган. Албатта, бунга ўзимни ҳам айбдор санайман. Чунки мазкур мақолани ҳозиргидан 5—6 йил олдин ҳам ёзишим мумкин эди.

Бундан 3—4 йил олдин жумҳуриятимизнинг баъзи бир узоқни кўролмайдиган, калтабин раҳбарлари буйруғи билан халқимизнинг энг яхши урф-одатлари, удумлари таъқиқлаб қўйилган кунларда Мамарашид ака давлат хўжалиги марказига бир иш билан бориб қолади. Уни кўрган раҳбарлардан бири: «Энди табибликни йиғиштиринг», — дейди. «Нима учун», — ҳайрон бўлиб сўрайди у. «Сизга бир гапни айтгандан сўнг хўп денг-да». Раҳбарнинг жаҳли чиқади. Ҳа, у дамларда айрим юрт катталари ўз соясидан ҳам чўчиб қолишганди. Улар халқни эмас, кўпроқ ўз мансаб курсилари ҳақида ўйлашарди. Мамарашид ака раҳбарнинг дағдағасига қарши бирон-бир эътироз билдирмаса-да, қаттиқ ранжиди. Тўғри-да юзлаб одамларнинг дардига малҳам бўлса-ю, раҳматнинг ўрнига дакки эшитса, алам қилмайдими кишига? Шундан сўнг уйига келган беморларни қабул қилмай қўйди. Лекин одамлар унинг уйидан кетишмади. «Даволайверинг сизга «ғинг» деган одам билан ўзимиз гаплашиб кўрамиз», — дейишди улар.

Мамарашид ака кўпчиликнинг гапини икки қилмади. Одамларни яна даволай бошлади. Тўғри, ўша раҳбарнинг олдидан қайтган куни олисдан келган бир йигитни қабул қилмади. Барибир бекор қилган экан. Ҳалигача ноумид кетган ўша йигит ҳақида ўйлайди: «Тузалиб кетдимикин, хайтовур?»

Мамлакатимизда ҳозир қайта қуриш шарофати билан жумҳуриятимиздаги барча соҳаларда, шу жумладан, тиббиёт соҳасида ҳам бир қатор ўзгаришлар юз берди. Масалан, ўқув даргоҳларида тиббиёт дарслари ўзбекча ўтилмоқда, халқ тиббиётини ўрганиш, ундан даволашда фойдаланиш секинлик билан бўлса-да, амалга оширилмоқда. Дарҳақиқат, Мамарашид ака каби халқ табибларининг ишини чуқур ўрганиш, уларга қўлдан келганча ёрдам бериш ҳам қарз, ҳам фарздир.

Озгина хом чўт қилиб кўрайлик. Қўл-оёғи, умуман бирон-бир жойи чиққан ёки синган бемор касалхонада ози билан 40 кун, кўпи билан эса 60 кун, ё бўлмаса бундан ҳам узоқроқ даволаниши мумкин.

Агар кунига бир бемор учун тахминан 3 сўмдан сарф этилади, деб ўйласак, бу икки ойда 180 сўм бўлади. Энди Мамарашид ака 25 йиллик табиблик фаолиятида 1000 нафар кишини (балки ундан ҳам кўпроқдир) даволади деб фараз қилсак, у киши давлатнинг 180 минг сўмлик маблағини иқтисод қилибди. Одамларнинг эса 60 минг кунлик вақтини тежаб қолибди. Бу масаланинг фақат моддий жиҳати. Унинг маънавий жиҳати тўғрисида тўхталиб ўтирмаса ҳам бўлади. Чунки инсон саломатлиги масаласи доимо биринчи ўринда бўлиб келган. Бу фақат бир кишининг хизмати, холос. Мамарашид аканинг даволаш усулини чуқур ўргансак, оммалаштирсак, унга шогирдлар етиштиришда кўмаклашсак-чи?! Ҳар ҳолда савобли ишга қўл урган бўлардик. Бу масалага Жиззах вилояти соғлиқни сақлаш бўлими эътибор беради, деб ўйлаймиз.

Тураб НИЕЗ,
журналист.

СУЯНГАНИ ШЕЪР УНИНГ

...Санобар опаникига туш пайтида кириб бордим. У нигоҳини кўча ҳовлига қаратилган деразага тикканча хаёл суриб ўтирган экан. Салом-алик қиларканмиз, опанинг суҳбатдошга интиқ кўзларидан нимадир ялтираб кетганини кўрдим.

Санобар опа йигирма йиллардан бери шеър битади... чизади, ўчиради. Яна ёзади. Кўнглидагини оқ қоғозга туширишга, дардларини мисраларга сингдириш илинжида ўртанади. Одамлар дунёда бекорга яшамаётганимни билишсин, дейди.

Қани энди, мўъжиза рўй берса-ю, оёқларига жон кириб, ташқарига чиқса, соф ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олса, тупроқ кўчаларда оёқ яланг югурса, югураверса... У сочларига толпопук тақиб, болаликнинг беташвиш кўчаларини кезган даврлар, дугоналари билан гуллола-қизғалдоқлар тергани қиру адирларга борган...

Ушанда баҳор эди...

Санобар биринчи синфда ўқирди. Укаси Маъруфжон билан уй ичида ёстиқ отишиб ўйнарди. Болалик-да: кимнинг хаёлига келибди, дейсиз. Ўша куни илк бор болаликнинг нурли лаҳзаларига қора чапланишини... Беихтиёр деразага чиққан Санобар ёстиқ зарбидан қулади. Кутилмаган оғриқ...

Шу-шу ўнг оёғини силтаб босадиган бўлди. Кейинчалик тиззалари шишди. Зўрға йил охиригача мактабга қатнади.

Ушанда хаёлига келмаганди бир умр тўшакка михланиши. Ҳаётнинг туйқус фожиавий ўйинини шеърга солиш билан енгишга ҳаракат қилди. Қўлтиқ таёқ билан бўлса-да, 8-синфни тугатди... Отаси Умархўжа ака унинг машқларини кўриб берар, шоирларнинг янги китобларини, адабиётшуносликка оид қўлланмалар келтирарди. Қизим ўксимасин дерди.

— Мен, айниқса, Ғайратий, Миртемир, Мақсуд Шайхзодаларнинг китобларини қўлимдан қўймай ўқирдим, — сўзлайди Санобар опа. — «Ленин учқуни» рўзномасида «Олча гуллаганда» сарлавҳали биринчи шеърим чиққан куни дунёда мендан бахтли одам йўқдай эди. Энди шеърият мени том маънода ўз бағрига олгандек эди.

Ҳаётда ҳар ким ўз орзу умиди билан яшайди. Шу боис қанчадан-қанча тўсиқларга учрайди. Улардан ўтиш учун тинмай меҳнат қилиш ва курашиш керак. Санобар опа шулар ҳақида ўйларди. Николай Островский, Ойбек домлалар сингари жасорат ва сабр бардош билан ижод қилишга ҳаракат қиларди.

Ҳаракатдан баракат, дейди халқ. Унинг шеърлари «Шарқ юлдузи», «Саодат», «Мухбир» каби жаридалар саҳифаларида кўрина бошлади.

Инсоннинг бошига оғир мусибат тушса, унга фақатгина меҳр-муҳаббат далда бўлади. Ҳаётда меҳр-оқибатли одамлар кўп экан. Санобар кимё ўқитувчиси, марҳум Нурмат Мингбоев ва она тили ва адабиёт муаллими Нурали Ўринбоевларнинг ёрдами билан уйда ўқиб 11-синфни тугатди.

Санобар опа марҳум ёзувчи Ҳамид Мурод номини ҳам ҳурмат билан тилга олади. У Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасидагиларга олис қишлоқларнинг бирида ижод қилаётган шоира борлиги ҳақида хабар қилган. Унинг илк шеърий тўплами «Чорла истиқбол»нинг нашр этилиши учун ҳам Ҳамид ака жон куйдирган эди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг котиби ёзувчи Тоҳир Малик ҳам ижодкор хонадонида бир неча бор бўлган, у билан адабиёт хусусида гаплашган. Кейинчалик ёзувчи Санобар опа тўғрисида «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафтономасида «Меҳр ва жасорат» сарлавҳали мақола чоп эттирди.

«Мен Тошкент вилоятида Санобар Умарова, Рустам Раҳмонов, Шуҳрат Усмонов деган шоирларни биламан. Ургутда Лўбат Умарова бор эди. Уларнинг юпанчлари — шеърият! Улар юксак унвонлару, мукофотларга интилмайдилар. Уларга Ёзувчилар уюшмаси томонидан озгина меҳр кўргазилса бас. Санобар Умарованинг биринчи китоби чиққанига кўп йил бўлди. Қутлибека Раҳимбоева нашриётда ишлаган кезлари у билан ижодий алоқа боғлаган эди. Санобарнинг навбатдаги китоби неча йилдан бери аросатда. Ёзувчилар уюшмасига аъзо бўлиш ҳақидаги аризаси ҳам қайдадир чанг босиб ётибди»...

1987 йил 9 июнь куни Ёзувчилар уюшмасида Санобарнинг навбатдаги китоби муҳокама бўлаётганди, кимдир «5—6 та китоблари чиққан таниқли ёзувчи ва шоирларнинг асарлари ҳам навбатда-ку, уники ҳам кутади-да», — деди. Афсус, у ҳам ижодкор эди...

Кўнгли ўксик кишиларга руҳий мадад бериш савобли ва хайрли иш. Имкониятимиз бўлганда, кимларгадир яхшилик қилиш, кўз ёшини артиб, далда бериш инсонийлик бурчимиз эмасми ахир, азизлар?!

Латифжон МАНСУРОВ,
Тошкент вилояти, Коммунистик ноҳияси, Қавардон қишлоғи.

Ҳамқишлоқлар

Аёл қўллари!..
У бизни ювинтиради,
тарайди,
тўйдиради...
Пишиқчилик кунларида
ҳам
шу қўллар жонимизга
аро киряпти.
Мевалар
исроф бўлмаслиги керак.
Насиба Бобоева билан
Зуҳра Мамановалар
ана шу ташвишда.
Улар Оқолтин ноҳиясидаги
«Фирқа XXII съезди»
давлат хўжалигида
меҳнат қилишади.

* * *

Ўнгдаги суратда
кўриб турганингиз
мана бу болакайлар эса
бўш вақт топди
дегунларича,
рубоб, доираларини олиб
йўлга тушишади.
Улар бир кун келиб
машҳур санъаткор
бўлиб етишишадими
йўқми,
буниси иқтидорларига,
меҳнатларига боғлиқ.

Е. БОТИРОВ ва Ж. ҚОЗОҚОВ суратлари.





Акс-садо

Эсингизда бўлса, саҳифамизнинг ўтган сонида Бухоро вилоятининг Қоракўл ноҳиясидаги Жиғачи қишлоғи ёшларининг жумҳуриятимизнинг бошқа вилоятларидан истовчи йигит-қизларни «Келинг, беллашайлик!» кўрик-конкурсига чақирганликлари ҳақида мақола босилганди.

КИЧКИНА ДЕМАНГ БИЗНИ

Мен мактабимиздаги «Бичиш-тикиш» тўгарагининг раҳбариман. Тўгарагимизда «Камалак» командамиз бор. Унинг аъзолари асосан 7—10 синф ўқувчи қизларидан иборат. Биз бошқа мактаб ўқувчилари билан беллашиб турамиз. Қоракўллик ёшларнинг таклифлари бизга маъқул. Розимиз. Фақат бизни кичкина деб, таклифимизни ерда қолдирмасалар бўлди.

Зумрад УСМОНОВА.
Қашқадарё вилояти, Ульянов ноҳияси, Денов қишлоғи.

* * *

ТАҲРИРИЯТДАН: Юқоридаги мазмунда ёзилган хат-хабарларни кўплаб олгандик. Келган мактубларнинг деярли барчасида қоракўллик ёшларнинг таклифлари қўллаб-қувватланган. Лекин баъзи сабабларга кўра, уларни рўзнома саҳифаларида ёритишнинг имкони бўлмади. Шу боисдан ҳам мактуб йўллаган ўртоқларнинг барчасидан узр сўраймиз ва уларнинг таклифларини биз ҳам қўллаб-қувватлаймиз.

Ўз навбатида ёшларнинг таклифларини вилоят ва ноҳия комсомол қўмиталари ҳам қўллаб-қувватлашлари аниқ.

МУҲТОЖЛИК

(Икки оила мисолида)

Элимизда қайта қуриш шамоли эса бошланганига анча бўлди. Тан олиш керакки, ҳали бу борада сезиларли ҳеч иш қилмадик ҳисоб. Шу боис кўпчиликнинг янги иш усулларига бўлган ишончи оз бўлса-да сўнди. Қайта қуриш бизга нима бераяпти, дегувчилар ҳам бор. Инсон омилига ғамхўрликни кучайтириш борасида қуруқ гаплардан амалий ишга ўтила бошлангач, кишилар кайфияти янгиланяпти. Келажакка бўлган ишончлари ошаяпти. Лекин инсон омилига ғамхўрликни кучайтириш юзасидан чиқарилаётган қарорлар сусткашлик билан бажарилмаяпти. Айниқса, кўп болали оналарга, ногиронларга ёрдам тариқасида намунали ишлар қилинмаяпти.

Навоий қишлоғида бўлганимизда бева-бечораларга номигагина ёрдам қилинаётганини кўриб, таъбимиз хира бўлди. Дўнда Оллаберганова 3 хонали уйда ёлғиз яшайди. Ундан ҳол-аҳвол сўраш учун уйининг даҳлизига кирганимизда аллақандай ҳидлардан кўнглимиз беҳузур бўлди. Уйнинг шифтига ҳеч нарса қопланмаган. Хоналарнинг полига қоқилган тахталар умрида бўёқ кўрмаган.

— Мактаб болалари келиб уйларни супуришга ёрдам қилишарди, — дейди момо. — Каникулга чиқишгач, улар ҳам келмай қўйишди.

— Охирги маротаба қачон уйда гўштли овқат егансиз? — сўраймиз ундан.

— Ўн беш кундан ошди.

— Сабзи-пиёзни қаердан оласиз?

— Қўни-қўшнилардан.

— Нонни-чи?

— Қўшнилар онда-сонда сийлаб туришади. Баъзи пайтлари бир километр наридаги дўконга бориб қайтаман.

— Сут-қаймоғингиз борми?

— Томорқага фақат ғовуш экканман. Атиги битта бузоқни эплай олаяпман, холос. Сигир асрашга қувватим етмайди.

Йўл чеккасига, яъни Д. Оллабергановaнинг уйи олдига ўрнатилган сув қувури ҳам қуруқ савлат тўкиб турибди. Унинг жўмрагидаги зангдан маълумки, яқин орада кран ҳеч кимга ёлчитиб хизмат қилмаган. Момонинг томорқасида ўсаётган мевали дарахтнинг ҳам қуриб қолганини кўриб хафсалангиз пир бўлади. Бир сўз билан айтганда, Дўнда момо ўта ночор аҳволда яшаяпти. Яхшиямки, унинг ёнгинасида баъзи меҳр-оқибатли кишилар — ён қўшнилар бор. Бўлмаса...

Қаҳрамон она Ободон Хўжаевалар хонадонидаги аҳвол Дўнда момоникидан қолишмайди.

— Турмуш ўртоғим 34 йилдан бери колхозда механизатор бўлиб ишлайди, — дейди у. — Биргалашиб фарзандларимизни тарбиялаяпмиз. Уй қурган йили райижроқўмга шифер сўраб ариза бергандик. Навбатингиз келганда оласиз, дейишди. Анча кутдик. Ноилож эл қатори устама баҳода сотиб олдик.

— Икки ўғил уйлантирибсиз, анча қийналгандирсизлар?

— Ҳа, элга ош қилиш осон, аммо кийимлик матоҳлар топиш қийин. Шу томонлама ёрдам қилиб турилса, бола-чақанинг насибасидан чегириб, мўмай пул ҳовучлаб, чайқов бозорига бормасдик.

— Озиқ-овқат маҳсулотларидан қийналмаяпсизларми?

— Оиламизда ҳозирги кунда ўн бир жон бир қозондан овқат ейди. Қўшимча томорқа жонимизга аро киряпти. Лекин қишлоғимизда гўшт топиш қийинлашиб боряпти. Ана шу муаммо ҳал бўлса, турмушимиз янада фаровон бўлади.

Серфарзанд оила бекаси, уста пахтакор ва пиллакор О. Хўжаева яна бир нарсани таъкидлади:

— Раҳбарларимиз ҳамиша диёнатли бўлишса, яъни одилона иш юритишса, биз жамиятимиз равнақи учун ҳеч қачон ўз кучимизни аямаймиз.

О. Хўжаеванинг ушбу гапларида жон бор. Уларнинг кўпчилиги енгил машина, қурилиш материаллари олиш учун бир неча ойлаб ва йиллаб навбат кутишаяпти. Уларга савдо хизмати кўрсатиш ҳам кўнгилдагидек эмас. Камқонлик аёллар учун шаҳар ва қишлоқ дўконлари пештахталарида махсус бурчаклар ташкил этилган. Аммо уларда иштаҳа билан егулик сифатли маҳсулотлар йўқ ҳисоби.

Биз бекордан бекорга юқоридагидек камчилик ва муаммоларни қаламга олаётганимиз йўқ. Ҳар бир оиланинг тинчини ўйлаш, иқтисодини мустаҳкамлаш зарур бўлган пайт етиб келди. Энди қуруқ гап билан иш битмаслиги барчага аён. Фақат кўпроқ амалий иш қилсаккина халқимиз тинч ва ҳузур-ҳаловатда яшайди.

Ж. ЖУМАНИЕЗОВ.
Хонқа ноҳияси.

«МОМОМ ЭРТАК АЙТАДИ»НИ ЎҚИБ

ҲУРМАТЛИ РЕДАКЦИЯ! Мен рўзномангизнинг шу йил 25 апрель сонидаги «Ҳамқишлоқлар» саҳифасида эълон қилинган «Момом эртак айтади»„ мақоласини ҳаяжон билан ўқиб чиқдим. Мақола муаллифи Ислом Ҳамро ўз қишлоғи, қишлоқдошлари тимсолида, жумҳуриятимиздаги барча қишлоқларнинг бугунги аянчли аҳволини рўй-рост очиб беролган.

Муаллиф айтганидек, қишлоқ қизларининг шаҳарлик дугоналарига ҳаваси келмайди дейсизми?! Ҳаваслари келади, албатта, лекин уларнинг орзулари чангу-тупроққа қоришиб ушалмас армонларга айланган. Сочларини тарашга, ўзларига қарашга вақт топа олмайдиган қишлоқ қизларининг айби нима?! Қишлоқда туғилганими?!...

Мақолада СССР халқ депутати, соғувчи Муҳаббат опа (фамилияси ёдимдан кўтарилибди) ҳақида фикр билдирилган. Мен ҳам муаллифнинг фикрларига қўшиламан.

Ўтган йилги СССР халқ депутатлигига сайловлар вақтида мавзеимиздан кўрсатилган номзодлар етарли овоз ололмаганлари сабабли, қайтадан номзод кўрсатдик. Кечагидек хотирамда. Бизни тўппа-тўғри даладан машинада олиб келишди. Хатирчилик Муҳаббат исмли соғувчи опани таништиришди. Мақташди. Сўнггида ўзига сўз беришди. Шунда опа бизга қарата (залда ўтирганларнинг 90 фоизи хотин-қизлар эди), «Азиз опа-сингилларим! Мен ҳам сиздек деҳқон қизиман! Бахтимни меҳнатдан топдим! Агар менга ишонч билдирсангиз, сиз азиз аёлларимизни дардларингизни енгил қиламан деб, сўз бераман», дегандилар.

Сайловда опага овоз бердик. Аҳвол-ку ўзгармади-я, лекин ўша сайловдан кейин ўтган яқин икки йил ичида опанинг ўзини қайта кўриш ҳам насиб қилмади...

* * *

Дилфуза ЭШБАДАЛОВА.
Самарқанд вилояти Пахтачи ноҳияси Ленин номли жамоа хўжалиги.

ҲУРМАТЛИ МУҲАРРИР! Муаллифнинг ноҳиямиздаги қишлоқларга ва қишлоқда яшовчиларнинг яшаш шароитига берган баҳосига юз фоиз қўшиламан. Аҳвол ҳақиқатдан ҳам ачинарли. Ечимини кутаётган муаммолар шу қадар кўпки, қай бирини санашни билмайсиз...

Ноҳиямиздан сайланган СССР халқ депутати ҳақидаги фикрларда ҳам муаллиф ҳақ. Депутат опамиз ўз ваколатларидан умуман фойдалана олмаяптилар. Балки, «Момом эртак айтади»ни ўқиган бўлсалар бирор хулоса чиқаргандирлар. Ёки Ислом Ҳамро айтмоқчи, «яна ким билади дейсиз?»

* * *

И. МУСТАФОЕВ.
Хатирчи ноҳияси, Куйбишев жамоа хўжалиги.

ТАҲРИРИЯТДАН: Жамоатчилик фикрини жалб қила олган, долзарб мавзудаги мақола Хатирчи ноҳияси ва шу ноҳиядаги «Олтинсой» жамоа хўжалиги раҳбарлари, комсомол ходимлари ва мақолада тилга олинган СССР халқ депутати Муҳаббат Икромоваларнинг табаррук назарларидан четда қолди. Улар на муаллифни қўллаб, на қоралаб бирор фикр билдиришмади. Балки биздан расмий сўров кутишгандирлар. Биз эса қайта қуриш, қоғозбозликнинг илдизига болта урдик деб, юрибмиз. Хатирчида ҳали ҳам қоғоз қадрли шекилли?

ҲАМ ҲОРДИҚ, ДАВО







Хоразм вилояти Боғот ноҳияси ҳудудида жойлашган Қалъажиқ сув ҳавзаси ҳақида ҳалқ кўпчиликнинг фикри шу.

Бу ердан халқ қадим-қадимдан бел оғриги, ревматизм, шамоллаш касалликларининг айримларига даво топган — кўлнинг шўр суви ҳамда иссиқ қумда кўмилиш — халқ табобатининг синалган усули.

Олдинлари одамлар саратонда бошпана тополмай ҳалак бўларди. Ичимлик сув, ейимликни ўзи билан олиб келишга мажбур эдилар. Вақт ўтиб, шифобахш сувнинг таърифи узоқларга кетди, келувчилар кўпайди. Ҳамма вақт бўлганидек, икки одам йиғилса, уларнинг ёнида нафс қули бўлган учинчи одам ҳам пайдо бўлди. Бир неча давр бу ерда дам олиш ва даволанувчиларни шилиш билан тирикчилик қилувчилар ҳукмронлик қилишди...

Ҳозир вазият ўзгарган. ноҳия фирқа қўмитаси, ноҳия ижроқўми бу масканни ўз назоратларига олиб, келувчиларга етарли шарт-шароитлар яратиб бериш чора-тадбирларини кўришди.

Мавсум арафасида сув ҳавзаси атрофига ўтовлар тикланди, дам олиш уйчалари, маиший хизмат тармоқлари ташкил этилди. Теварак-атроф ободонлаштирилди. Дастлабки мижозлар кела бошлаши билан эса малакали тиббий хизмат кўрсатиш ходимларидан бир гуруҳи беморлар саломатлигини назорат қилиб туриш учун сафарбар этилди...

Бугун Қалъажиқ ўзгача кўринишда. Кўл ён бағрида-ги қадим қалъанинг улкан харобалари ва унинг пойида тикланган қатор ўтовлар, Хаёлингиз узоқларга — мозийга кетади... Ўйқотилган нималарингдир топаётгандаймиз.

Бу ерга ҳар куни юзлаб, минглаб кишилар узоқ узоқлардан — Туркманистон Шўро Жумҳуриятининг Тошҳовуз вилояти, Дарғонота ноҳияси, Чоржўйдан, Қўшни Қорақалпоғистондан, Бухородан ҳам дардига даво излаб, ҳам кўнгилли ҳордиқ чиқазиш учун келишади. Маҳаллий ҳокимият транспорт хизматини йўлга қўйган — вилоят маркази Урганчдан Қалъажиққа автобус тўхтовсиз қатнаб турибди.

Шунингек, дам олиш масканида маиший, маданий хизмат ташкил этилган. Дарбозлар, санъаткорлар чиқишлари ҳаммага манзур. Кўчма дўконлар эрта тонгдан кечқурунгача очиқ бўлади. Чунки, кўпчилик бир неча кун даволаниш учун келади. Олдинлари тунаб кетиш шароити бўлмаганлиги бунга имкон йўқ эди.

Қорақалпоғистонлик Нурмат бобо Бобожонов билан суҳбатлашдик. «Бел оғриғидан қийналардим. Ҳар йили узоқларга, ортиқча чиқим қилиб курортларга борардим. Уч йилки, ҳар йили бир мавсумда Қалъажиққа келиб, бир ҳафта ётиб даволанаман. Шу-шу йил бўйи касал кўрмагандай юраман...»

Бундай фикрни айтаётганлар қанча. Биз бошқа ортиқча сўз қўшмаймиз ва Қалъажиқдаги бир шоирни такрорлаймиз: «Дам олиш ва даволанишнинг қулийлиги ўтсин. Қалъажиққа марҳамат!»

Рўзимбой ҲАСАН,
Жумабой ҚЎЗОҚ (сураткаш),
«Ёш ленинчи» мухбирлари.

СУРАТЛАРДА: дам олиш масканида.

МЕҲР-МУРУВВАТ ХИЗМАТИ АМАЛДА

Қизил крест ва Қизил ярим ой жамиятлари уюшмаси йигирма тонна дори-дармон ортилган вагонни Ўш вилоятига юборди. Айни вақтда Қизил ярим ой жамияти Ўш бўлимининг ҳисоб дафтарчасига 15 минг сўм пул ўтказилди. Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистон ССР Қизил ярим ой жамиятининг совғасидир.

«Ўш вилоятида рўй берган воқеалар жумҳуриятимиз меҳнаткашлари қалбини ларзага келтирди, — дейди жамият раиси Ў. Воҳидова. — Қизил ярим ой жамиятининг жуҳурият ташкилоти ва унинг Фарғона водийсидаги қўмиталари меҳр-мурувват ҳаракатининг инсоний мақсадлари ҳамда вазифаларига асосланиб, жабрдийда аҳолига ёрдам кўрсатишга қарор қилдилар». Жамиятнинг Фарғона, Наманган ва Андижон вилоятларидаги фаоллари жабрдийдаларга ёрдам бериб, уларга дори-дармон, озиқ-овқат маҳсулотларини бепул юборишмоқда... Айни вақтда бир йўла пул ёрдами ҳам кўрсатилмоқда.

КИТОБ БИЛАН ДЎСТЛАШИБ

Жумҳурият болалар кутубхонасининг ходимлари ҳатто ёзги таътил кунларида ҳам ўз ўқувчилари билан учрашиб турадилар. Улар кўчма бригадалар ташкил этиб, кашшофлар лагерларида дам олаётган болаларга китоблар олиб келишади.

«Бургутча», «Бўрон қуши», «Юлдузча», «Гулхан» кашшофлар лагерида дам олаётган болалар ғилдиракли кутубхона хизматидан фойдаланишди. Кутубхона ходимлари ёзги таътил кунларининг икки ойи ичида Тошкент вилоятидаги ўнлаб кашшофлар лагерларида бўлишди. Улар бу лагерларга болаларнинг дидига мос келадиган китобларни олиб келишади. Болалар бундай учрашувларда хоҳлаган китобларини танлаб олиш билан бирга, кутубхона ходимлари ўтказадиган адабий топишмоқларда, янги китобларнинг шарҳини тайёрлашда қатнашадилар.

«Эртаклар дунёсига саёҳат» деб аталган адабий топишмоқ болаларга ўзлари севиб қолган эртакларнинг қаҳрамонлари билан учрашиш имкониятини берди.

(ЎзТАГ мухбири).

АЭРОФЛОТ АЙБИ БИЛАН...

11 июль куни Тошкентга «Кубань» командаси футболчилари келмай, ўйин қолдирилганлиги ҳақида гап-сўз тарқалгач рўзномамизда бу ҳақда ёзгандик. Шундан сўнг айнан яна ўша команда Олмаотага ҳам келмади... Ўйинлар кечиктирилди.

Худди шундай воқеа 20-25 июль кунлари бошқа бир шаҳарда — Ереванда ҳам рўй берди. СССР кубоги ҳамда мамлакат чемпионати ўйинларига Ростовнинг «АСК» ва Одессанинг «Черноморец» командалари аэрофлот хизматининг айби билан Арманистон пойтахтига учиб келиша олмаган эди.

СССР футбол федерациясининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида кечиктирилган ўйинлар муддатларини белгилаш масаласи кўриб чиқилди. Кечиктирилган ўйинлар «Арарат» — «Черноморец» 3 сентябрда бўлиб ўтади. Биринчи лигада эса «Пахтакор» — «Кубань» командалари ўртасидаги қолдирилган ўйин 7 сентябрь куни ўтказилади.

* * *

Мамлакат чемпионатининг биринчи лигасида қатнашаётган командалар иккинчи давра ўйинларини бошладилар. Ана шу ўйинлар натижалари қуйидагича: «Кубань» — «Қайрат» — 1:0, «Зенит» — «Динамо» Ст — 0:0, «Нефтчи» — «Ростсельмаш» — 2:0, «Нистру» — «Локомотив» Г — 1:0, «Металлург» — «Факел» — 5:1, «Геолог» — «Спартак» — 2:1, «Шинник» — «Котайк» — 2:0, «Таврия» — «Локомотив» М — 1:1, «Тирас» — «Кузбасс» — 3:1.

Тошкентнинг «Пахтакор» командаси сафарда Сухумининг «Динамо» командаси билан майдонга тушиб, 2:0 ҳисобида ўйинни бой бердилар.

ВИДЕОДАГИ ҲАЁТ

Бу мавзу ҳақида бир неча бор ёзилди, айтилди. Кўплар буни «эскирган» деб ўйлаши мумкин. Хўш, сийқаси чиққан экан, шу борада айтарлик ўзгариш бўлганини эслай оласизми! Афсуски, мен эслай олмадим. Қайтанга видеолар баҳорнинг илк ёмғиридан петирлаб чиққан қўзиқоринлардай кўпайиб кетди. Қаерга қараманг видеосалонлар, видеобарлар... Уларда қўйилаётган фильмларнинг барчаси олди-қочди. Тарғиб қилинаётган ижобий ғоянинг ўзи йўқ. Фақат шафқатсизликни ўрганиб олиш мумкин.

Майли, буёғини ҳам қўя турайлик. Афишаларга разм солсангиз «Ўн олти ёшга тўлмаганлар киритилмайди...», — деган ёзувни кўрасиз. Бунга эътибор ҳам берилмайди. Она сути оғзидан кетмаган болалар видеонинг тагидан жой олиб ўтиришади. Яланғоч одамларининг хатти-ҳаракатларини «ҳузур» билан томоша қилиб ўтирган боладан келажакда нимани кутиш мумкин! Кейинги ҳаётида қандай воқеалар рўй бермайди дейсиз. Уятдан юзи қизармаган бола бора-бора атрофдагиларга ҳам «андоза» бўлиши аниқ. Бундайларга юз марта гапиринг биттаси таъсир қилармикин!

Яқинда бир воқеанинг гувоҳи бўлдим. Поездда Хоразмдан Тошкентга келаётган эдим. Бир кунлик йўл. Ҳамхонам зерикди чоғи, ёнидаги иккиучта қизлар билан поезднинг видеосалонига кино томоша қилишга кетишди. Не кўз билан кўришсинки, экранда яланғоч аёллар... Ҳалиги йигит ер ёрилмабдию, ерга кириб кетмабди. Видео салондагиларнинг ҳеч нарса бўлмагандек: «Келинг, келинг» дейишганига ўлайми. Улар ўзга миллатдан бўлсалар ҳам бошқа гап эди.

Наҳотки, шунчалик тубанлашиб кетган бўлсак! Ўзбекнинг шарм-ҳаё пардасини олиб ташлашга улуш қўшсаг-у, ўзимизни ЎЗБЕК десак. ЎЗБЕК — бу қизларидаги ҳаё, ибо, одамлар орасидаги меҳр-оқибат, мулойимлик эмасми! Авваллари ҳеч бир нарсамиз билан фахрлана олмасак-да, мана шу хислатларимиз билан ҳоҳлаган жойда мақтана олардик. Шундай экан, ўзбекчилигимизнинг оёқ ости бўлишига йўл қўймаслигимиз керак. Бир томонлама фойдани кўзлаб иккинчи томондан туйнук очиш бизга ҳеч нарса бермайди.

Тўғри, видеони тарғиб қилиш керак. Видеосалонлар бўлмасин эмас, бўлсин. Лекин, пул учун эмас, халқ маънавиятини бойитиш учун ишлайдигани бўлсин. Шунда ҳам уоҳлаган фильмларни намойиш қилишга йўл қўйилмаслиги керак. Шу борада Маданият вазирлигидагилар яна бир бор ўйлаб кўришса зиён қилмасдилар.

Азамат САФАРОВ, ТошДД толиби.

Долзарб мавзу

ФЕРУЗА НЕГА КУЙДИ?



Феруза эндигина 3 ёшга тўлди. Ҳамма болалардек у ҳам шўх. Ўзига яраша тўполончи. Аммо яқинда у юролмай қолди. Ойиси Гулчеҳра опанинг қўлларига михланди. Қувончи, шодликлари ҳам опа қўлларига қўшиб михланди гўё.

Пойтахтнинг Форобий кўчасидаги Матлубот проездида бу иккинчи воқеа. Ферузадан олдин ҳам бир қиз жароҳат олган. Маҳаллий аҳолининг айтишича Дилором (қизнинг исми) бир ярим ойдирки, юролмайди.

Хўш, Феруза билан Диломга нима бўлди? Нима сабабдан улар жароҳатланишди?

— Ҳамма гап ахлатда, — дейди Ферузанинг ойиси Гулчеҳра Холмирзаева. — Шундоқ кўча юзида ахлатхона пайдо бўлган. У ерга атрофда қизғин фаолият кўрсатаётган кабобпаз ширкатчилар чиқиндиларни тўкишади. Сиртдан кулга ўхшаб турган беозор нарса аслида чўғ, кўмир қолдиқлари.

Онанинг куйинганича бор. Форобий кўчасидаги Матлубот проезди ёнида ахлатхона пайдо бўлганига эса анча бўлди. Дарвоқе, ўтган йили «Тошкент оқшоми» рўзномасида бу ҳақда мақола ҳам берилган эди. Шундан сўнг, аҳвол бир мунча ўзгарган бўлсада, бироқ бу кўпга чўзилмади. Яна эски тос, эски ҳаммом.

— Шу кўчада тураман, — дейди биз билан суҳбатда Улуғ Ватан уруши II группа ногирони Абдувоҳид Маликов. — Ахлатнинг дастидан ҳовлида туриб бўлмай қолди. Сал шабада бўлса борми, атрофни қўланса ҳид босиб кетади.

Олдинлари, оёғимда дармон бор эди, ноҳия ижроқўмига бориб, бор ҳақиқатни айтардим. Ахлат уюмларини кетма-кет олиб кетмагунларича тинчимасдим. Энди эса, ҳолим йўқ.

Ачинарлиси шуки, ахлат уюмлари пайдо бўлган жойда бу ҳақда ҳеч қандай белги йўқ. Унга махсус жой ҳам ажратилмаган. Махсус қутилар ҳақида-ку, гапирмаса ҳам бўлади.

Маҳаллий аҳолининг айтишича, ахлат йиғувчилар онда-сонда келиб туришаркан. Аммо ахлат уюми камаймасмиш. Чунки «тозалик учун курашувчилар» номигагина бир-икки белкурак олишаркан-да, жуфтакни ростлашар экан. Мабодо, шу ерда яшовчилар «нега биратўла йиғиштирмайсизлар?» дейишса, «Ахлатни Олмалиққа олиб борамиз, вақт йўқ, ёнилғи йўқ» дея талай баҳоналарни рўкач қилишаркан.

Матлубот проездининг 1-уйида истиқомат қилувчи Тоҳир Нурмуҳамедовнинг айтишича, маҳаллани пашша босиб кетаётганмиш. Ҳаммаси ахлатдан. Бунинг устига яқин атрофда ахлат тўкадиган жой йўқ. Қолаверса, маҳалладаги 10 та кабобпазлар баҳоли қудрат «ишлашяпти». Шаҳар ободонлаштириш Бош бошқармаси ходимлари эса буни кўриб, кўрмасликка олишмоқда. Собир Раҳимов ноҳия санитария-эпидемиология станциясидагилар ҳам негадир жим. Кишиларга шундай муносабатда бўлинар экан, ҳеч қачон пойтахтни намунали шаҳарга айлантиролмасак керак, ҳойнаҳой. Балким, мутасадди раҳбарларнинг бу борада айтадиган ўз фикрлари бордир?

Муҳаммад АМИН.

СУРАТДА: Форобий кўчасининг Матлубот проездидаги аҳвол.

МУАЛЛИФ суратга олган.

ТВ

8 АВГУСТ — ЧОРШАНБА

● ЎзТВ I

11.30 «Ниҳоясига етмаган эртак». Болалар учун фильм-концерт. 11.50 «Табиат — ҳаёт чашмаси». Кинопрограмма. 12.50 «Кўл тубидаги хазина». Бадиий фильм («ДЕФА», ГДР).

17.25 Кўрсатувлар тартиби. 17.30 Янгиликлар.

Қувноқ ўтсин таътиллар

17.35 «Мактаб лавҳалари». Фильм-концерт. 18.05 «Шоирлар — болаларга». Илёс Муслим. 18.50 «Хизмат кўрсатиш тармоқлари». Чойхоналар ҳақида. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 «Учқур отлар». Манзарали фильм. 20.00 Жумҳурият театр арбоблари уюшмаси қошидаги «Ширинжон» ансамблининг коцерти. 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Учрашув». Шоир Омон Матжон билан мулоқот. 22.00 «Ахборот». 22.20 Экранда — кинокомедия «Нофелет қаерда?» («Мосфильм»). 23.45 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.05 «Паролнинг ҳожати йўқ». Бадиий фильм. 2-серия. 19.35 Тижорат хабарлари. 19.50 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Миришкорлар». Ғалаба ноҳияси пахтакорларининг иш тажрибасидан.

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Созу рози жавони». Мусиқий кўрсатув. 21.40 «Ҳашар». Ҳужжатли фильм. 22.00 «Ахбор». 22.20 «Ҳаёти деҳот». 23.00 «Кузда онам томон олиб борадиган йўл». Телефильм (рус тилида).

● МТ I

6.00 «120 минут». 8.00 «Ференц Лист». Беш серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия. 9.15 «Сўз». Адабий-бадиий программа. 11.15 «Пахмоқ думли шайтонча». Мультфильм. 11.30 «ТелеЭКО» журнали. 12.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

15.45 Болалар учун фильм. «Келажакдан келган меҳмон». 3-серия. 16.50 «Мусиқий хазина» С. Рахманинов. Фортепьяно ва оркестр учун 2-до минор концерти. Д. Алексеев ҳамда СССР Давлат телерадиосининг Катта симфоник оркестри ижро этади. Дирижёр — Э. Клас. 17.30 Сиёсий мулоқотлар. Халқ депутатлари Рязань шаҳар кенгаши янги составининг фаолияти ҳақида. 18.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 18.30 «Беш юз кундан бири». «Нечерноземагропромстрой» корхонасининг иши ҳақида. 19.15 «Ференц Лист». Беш серияли телевизион бадиий фильм премьераси 2-серия. 20.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 21.00 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар). 21.05 «Юрий Гуляев ҳақида монологлар». Телевизион фильм премьераси. 22.20 «Инсон ва қонун». Ҳуқуқий видеоканал. 23.35 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

8.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари. 8.15 «Ўлик малика ва етти баҳодир ҳақида эртак». Мультфильм. 8.45 Ҳужжатли фильмлар премьераси: «Бева кўзёшлари қудуғи» («Укртелефильм») «Экранда Сибирь». Киножурнал (Ғарбий Сибирь кинохроника студияси). 9.15 «Мушук ва масхарабоз». Фильм-концерт («Экран»). 10.00 Болалар учун кўрсатувлар саҳифаларида. «Қачонлардир «Будильник»да» 10.30 «Дўстлар даврасида». 11.20 Такрорий телефильмлар сеанси. «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси». 2-серия.

* * *

16.30 Бизнинг фондимиздан. Г. Малер 6-симфония (композитор таваллудининг 130 йиллигига). СССР халқ артисти Е. Светланов раҳбарлигидаги ССР Иттифоқи Давлат академик симфоник оркестри ижро этади. 18.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан). 18.30 «Зона ёки яна бир бор Асеев ғояси ҳақида». Узоқ Шарқни ўзлаштириш ёшлар регионал марказини тузиш ҳақида. 19.15 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Чонгурчи». 19.30 Отиш спорти бўйича жаҳон чемпионати кундалиги. 19.45 «Ғаройиб Коста-Рика». Хроникал-ҳужжатли фильм. 21.00 Футбол. СССР чемпионати. «Спартак» — «Шахтёр». В. И. Ленин номли Марказий стадиондан олиб кўрсатилади 22.50 Эстрада қўшиқлари ёш ижрочилари V Бутуниттифоқ телеконкурси. 1-турнинг охири. Ялтадан кўрсатилади.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

ЁШ ЛЕНИНЧИ
«Молодой ленинец»
орган ЦК ЛКСМ
Узбекистана
Издается на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700083, ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.
ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.
ИНДЕКС: 64607.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Д. — 23516.